



Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#35 22.06.2012

20 ИЮН – ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



1990 йилнинг 20 июнида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши “Биз, Ўзбекистон халқи” сўзлари билан бошланган тарихий ҳужжат – биринчи Мустақиллик декларациясини қабул қилган эди.

Декларация муаллифи Ўзбекистон Эрк демократик партияси Бош котиби Отаназар Ориповнинг айтишича, ҳужжатда Ўзбекистон жумҳуриятининг СССРдан мустақил давлат бўлиши ёзилган эди.

Ушанда Компартия раҳбарлари Мустақиллик декларацияси овозга қўйилишидан аввал унинг мазмунини ўзгартиришга ҳаракат қилган эди.

Отаназар Орипов Озодлик билан суҳбатда орадан 22 йил ўтиб 20 июн куни Ўзбекистон матбуоти Мустақиллик декларацияси қабул қилинганини эсланмаганидан афсус билдирди:

Ўзбекистон Халқ ҳаракати раҳбари, Ўзбекистон Эрк демократик партияси лидери Муҳаммад Солиҳ Озодлик билан суҳбатда ўша пайтда ҳам иқтидорда бўлган Ислоҳ Каримов ва унинг сафдошлари декларация қабул қилинишига жиддий қаршилик қилганини эслайди.

– Жуда катта қаршилик бўлди. Хусусан, Ислоҳ Каримовнинг ўнг қўли ҳисобланган Ўзбекистон Марказқўмининг рус секретари Ефимов жуда катта қаршилик кўрсатди. Тақдим қилингандан кейин овозга қўйилишидан олдин матн таҳрири устида ишлаш учун

Мирсаидов бошлиқ Эркин Воҳидов, Нурали Қобил ва бошқалар ичкарига кириб кетди. Улар бироз ҳаяллади. Улар тезда олиб чиқиши керак эди. Матн устида деярли ҳаммамиз келишиб олган эдик. Мен булар нимага кечикаяпти, деб кирсам матн олдида Мирсаидов ўтирибди. Сал нарироқда Эркин Воҳидов ва Нурали Қобил гаплашиб турибди. Юзларида хавотир бор эди.

Мен Мирсаидовдан нима бўлаётганини сўрасам, у секин Ефимовга ишора қилиб, ўша қаршилик қилаётганини айтди. Ефимов Москвага кўнғироқ қилаяпти. “Булар хонлик қилаяпти. Бу ерни националистлар эгаллаб олган. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилмоқчи”, деб очиқ текстда айтаяпти. Кейин у телефонни қўйиб бизнинг яқинимизга келди.

Мен унга: “Ўзбекистон сизнинг конституциянгизда ҳам суверен мустақил жумҳурият. Сизнинг бизнинг ишимизга аралашигга нима ҳақингиз бор?”, деб очиқдан-очиқ гапирдим. “Унда билганларингизни қилинглр”, деб қизариб ўрнидан туриб кета бошлади. Уша пайтда Каримов кириб келди. У: “Нима бўлди? Яна жанжал қилаясизларми?” деди”, деб эслайди “Эрк” партияси етакчиси, Мустақиллик декларацияси матни устида чиққан мунозаранинг бевосита иштирокчиси Муҳаммад Солиҳ.

(Давоми кейинги бетда)

КАРИМОВ 2014 ЙИЛДАН КЕЙИН ИСБНЧИ КУЧЛАР БОШ КЎТАРИШИДАН ҚЎРҚАДИ

Афғон-Ўзбек чегарасида бўлган Президент Ислоҳ Каримов 2014 йилдан хорижий кўшинлар Афғонистонни тарк этганидан кейин кўпорувчи кучлар минтақани беқарорлаштиришга ҳаракат қилдилар, деб айтган.

(Давоми 2-бетда)

КАРИМОВ ВА КАРИМОВАЛАР ОИЛАСИНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?

Мустақиллик бошларида навбатдаги Ўзбекистон Олий Совети сессиясида Мустақил Ўзбекистон келажакда бозор иқтисодига ўтувчи, кўптомонла махусусийлашган, ҳуқуқий демократик кучли ва эркин фуқаролик жамиятга эга бўлган Давлат деб эълон қилинади.

(Давоми 3-бетда)

ҲОКИМЛАР ҚИСМАТИ БИР

Келажакда буюк Ўзбекистон!

Бу жумла бир вақтлар қанчадан қанча шоирлару ва ҳаттоки шоир бўлмаганларни илҳомлантирганди. Лекин буни қарангки, халқимиз ўз ҳикматларида айтиб ўтганидек, ҳолва дегани билан оғиз чучимаскан. Буюк келажак куюк келажакга айланди.

(Давоми 4-бетда)

ИПАК ҚУРТИ

Ўзбек режими ва унга тегишли ОАВ Ўзбекистоннинг келажакда буюклигини такрорлашдан чарчамайди. Ва ким режимни танқид қилса “Ўзбекистон ютуқларини кўролмайдиган қора кучлар” экани қайта қайта таъкидланади. Ўзбекистонда кўролмайдиган нима бор ўзи? деб биров сўрамайди. Сўролмайдим.

(Давоми 5-бетда)

Ҳ.МУБОРАК РЕЖИМИ ТАЛВАСАДА

Асосий кўпчилиги Ихвонлардан ташкил топган ва қонуний сайланган Миср-нинг янги Парламенти Ҳарбийлар тайинлаган Конституцион Суд қарори билан тарқатиб юборилди.

(Давоми 6-бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Мустақил Ўзбекистон президентининг расмий таржимаи ҳолида: “Ислом Каримов 1991 йилнинг 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилди”, деб ёзилган. Ўзбек халқи учун олий неъмат бўлмиш мустақиллик учун халқ унга, яъни Ислом Каримовга миннатдорлик айтиши, бу ютуқ бевосита унинг номи билан боғлиқлиги расмий матбуотнинг сеvimли ва асосий мавзусига айланган.

– Президент, мен очиқ айтишим мумкин, том маънода у ердан қочиб кетди. Президент декларация овозга қўйилаётганда ҳам кулис орқасида юрди ва у ерда доим провакация қилиб турди. У парламент бунни қабул қилмаслигини очиқ истади”, дейди Муҳаммад Солиҳ.

Муҳаммад Солиҳ 22 йилдан бери давлат матбуоти “Ўзбек халқига мустақиллик ҳаёти қилган президент” дея тақдим этиб келаётган Ислом Каримовнинг 1990 йил 20 июнда қилган саъй-ҳаракатларини эслар экан, ўшандаги халқ вакиллари орасидаги руҳ Москвадан қўрқувдан кўра кучлироқ бўлганини эслайди.

– Лекин парламентнинг 100 дан 95 фоизи биз тарафда эди. Хатто руслар ҳам қўл кўтариб овоз берди. Овозга қўйилиб қабул қилингандан кейин ўша кунёқ Каримов соат 6 ларга яқин Тошкентдан Андижонга кетди. У Москвадан қўрққанидан қочиб кетди. Москва бунни эшитиб, мени Компартия секретарлигидан олади, деб қўрққан.

20 ИЮН – ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Бошқа бир сабаби йўқ, дейди Муҳаммад Солиҳ.

1990 йили Марказий телевидение мухбири билан суҳбатда Ислом Каримов “Бизга мустақиллик керак эмас, биз иккита қоп ичидаги республикамиз, ҳолимиз танг бўлади” деган эди.

Марказий телевидение мухбири айна кўрсатув доирасида Муҳаммад Солиҳдан ҳам фикр сўраб, “Ўзбек халқи мустақилликка тайёرمи?” деган саволни қўяди. “Қамоқдаги одам озодликка қанча ташна бўлса, биз ҳам шунчалик мустақилликка ташнамиз”, деб жавоб қайтарган эди Муҳаммад Солиҳ.

1990 йилги Олий Кенгашда мустақил депутат бўлган Абдувоҳид Паттаев 20 июн кунги декларация ҳақида эслаб: “Бу мустақилликка қараб босилган илк қадам эди. СССР республикалари ичида биринчи бўлиб кўтарилган масала эди. Ўзбекистоннинг кейинги Мустақиллик декларацияси асосини биз қабул қилган 20 июндаги декларация ташкил қилди”, дейди. Муҳаммад Солиҳ 1990 йил 20 июнни ўзбек халқининг ҳақиқий мустақилликка эришган куни, деб билади.

1991 йил 31 августда эълон қилиниб, 1 сентябр куни нишонланадиган кундан фарқли ўлароқ, уни бир киши халқ миннатдор бўлиши учун ҳаёти қилгани йўқ.

Бу мустақилликка халқнинг ўзи эришган”, дейди Муҳаммад Солиҳ.

– Ҳеч шубҳасиз, 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларацияси халқнинг қабул қилинган ҳақиқий декларацияси эди. Чунки 31 августда қабул қилинган декларация бу ўша хунта йиқилгандан кейин, Совет Иттифоқи тарқаб бўлгандан кейин мажбуран, зўраки қабул қилинган декларация эди. Бу 20 июнда қабул қилинган декларацияни рад этиш, дегани эди. Биз зотан мустақил эдик.

Иккинчи марта мустақилликни қабул қилиш 20 июнда биз мустақил бўлмадик, деган гапни тан олиш эди.

Мен бунни тарихий жиноят ҳисоблайман. Чунки халқ қабул қилган мустақилликни рад этиб, 1991 йил март ойида референдумда қатнашиш, кейин 31 августда иккинчи марта Мустақиллик декларациясини қабул қилиш, албатта, сиёсий шармандалиқдан бошқа нарса эмас. Бу режим кетгандан кейин халқ ўз байрамини қўтлайдиган кунлар келади. 20 июн миллатимизнинг миллий байрамидир”, дейди Муҳаммад Солиҳ.

1990 йил 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси ўша пайтда бош муҳаррири Ҳалима Худойбердиева Олий кенгаш депутати бўлган “Саодат” журналида эълон қилинган эди.

КАРИМОВ 2014 ЙИЛДАН КЕЙИН ИСЁНЧИ КУЧЛАР БОШ КЎТАРИШИДАН ҚЎРҚАДИ



Афғон-Ўзбек чегарасида бўлган Президент Ислом Каримов 2014 йилдан хорижий кўшинлар Афғонистонни тарк этганидан кейин кўпуровчи кучлар минтақани беқарорлаштиришга ҳаракат қилдилар, деб айтган. 15 июн куни Ўзбекистон президенти Ўзбек-Афғон

чегарасини ажратиб турадиган Амударё соҳилидаги “Ҳайратон” чегара нуқтасига борган. Ўзбек чегарачилари билан кўришган Президент Каримов Афғонистондаги вазият ҳақида гапирган. Ўзбек чегара хизматидаги ҳар бир кўмондоннинг ўз қўли остидаги оддий чегарачиларга геосиёсий вазиятни тушунтириб бериши лозимлигини айтган Ўзбекистон раҳбари. Америка Қўшма Штатлари Афғонистондаги инқирозни ҳал этиш йўлида катта маблағларни сарфлади. Ва натижаси нима бўлди? Қарама-қаршилик ҳали ҳам давом этапти. Мана ҳозир коалиция мамлакатни иложи борича тезроқ тарк этишни режалаяпти. Ва кўпуровчи кучлар ҳам пайт пойлаб турипти. Кўшинлар чиқиб кетиши билан улар бошини

кўтаради, деган Президент Каримов. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Афғонистондаги инқироз тинч йўл билан ҳал қилинишини дастаклашини, Афғон халқининг ўзи сайлаган раҳбарият билан мулоқот ўрнатишни исташини айтган. “Афғон муаммоси 30 йилдан буён давом этапти. Охирги 30 йилда урушлар кетаяпти. Агар Афғон халқининг ўзига қўйиб берилса, улар анча олдин ярашишган бўларди. Халқ нимани хоҳлайди? Албатта, тинчликни. Биз Афғон халқи билан ва халқ ўзи сайлаган раҳбарият билан мулоқотни ўрнатиш мақсадини кўзлаймиз”, деб айтган Президент Каримов. Шу куни Ўзбекистон президенти сурхондарёлик деҳқонлар билан учрашган.

КАРИМОВ ВА КАРИМОВАЛАР ОИЛАСИНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?

Мустақиллик бошларида навбатдаги Ўзбекистон Олий Совети сессиясида Мустақил Ўзбекистон келажакда бозор иқтисодига ўтувчи, кўптомонла махусусийлашган, ҳуқуқий демократик кучли ва эркин фуқаролик жамиятга эга бўлган Давлат деб эълон қилинади.

Ўзбекистон тарихида унинг бундай порлоқ келажagini ифода қилувчи бу асосий ҳужжат ўқиб эшиттирилганда, зал тўла халқ депутатлари томонидан ҳамма оёққа туриб гулдурос ва узок давомли қарсақлар билан кутиб олинган эди. Ўшанда Мустақилликдан ниҳояси йўқ шод халқимизнинг телевизорлари Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бу тарихий қарори телевизордан халқимизнинг миллионлаб уйларига ҳам кириб, ўзбек халқининг ҳар бир хонадонини байрам ҳиссиёти чулғаб олганди.

Надоматлар бўлсинки, 22 йиллар аввал мустақиллик руҳидан маст бу улкан халқ, Каримовнинг айтган ғирт ёлғон ва ваъдабоз айтган сўзларини халқ ўз мато парчаларига ёзиб кўчалар тўлган шиорларга айлангирдилар.

Гўё улар бу шиорларни келажакимиз “истикболи” дея дoston ва кўшиқларга улаб, ордидан “тонг отгунча” тантаналар билан эссиз неча йиллару, эссиз қанча сувлар бекор оқиб кетди.

Аввал Каримов яқинида ишлаган депутатлар, сўнгра халқ орасидаги зийрак зиёли ва зукколарнинг айтган башоратлари тўғри чиқиб, Каримовнинг юраги тагида халқимизга нисбаган меҳрдан зиғирча бўлмай, аксинча унинг халқимиз бошига фақат зулм ўтказишигина ўйлайдиган киши эканини кўплар очик эътироф этгандилар.

Келгусида мустақил бўлган халқимизнинг ҳаёл қилган барча умид ва қувончлари худди деворга зарб билан уриб синдирилган чинни пиёладек парчаланиб, халқимиз бошига ҳамла қилаётган “ишсизлик” деган гўё улкан қора қанотли ўткир тумшук ва тирноқларга эга, қора ёвуз куш пайдо бўлган эди.

Шахсан Каримовнинг айёр ва беҳаё зўравонлиги боис унга содик “ғингдемас кўғирчоқ” ва “чўнтак” депутат лари овоз беришда босган тугмалари натижасида конституция ўзгартирилиб, диктаторнинг умирбод тахтда қолиши тўла қафолатланб берилди. Аммо қадимдан қардош ва кондош бўлиб келётган бу беш халқ орасида

чегара ҳечқачон бўлмаган, Марказий Осиё минтақаси “Туркистон” ўлкаси халқларининг ўзаро боришқелишлари эмин-эркин бўлгани? Халқларимиз шуурида бугун пайдо бўлган ёқимли эртаққа айланиб улгурди.

Ҳеч қандай муаммо ва қон тўкишлар-сиз совет халқи Унинг ўз раҳбари М. С. Горбачев томонидан бошланса, Б.Н.

Ельцин томонидан нуқта қўйилиб, СССР нинг парчаланиши, гўё бу 15 содда халқнинг қадим эзгу орзулари ушалгандай чексиз шодлиги мизга энди оветлардан ҳам яхши яшаб, яқин орада ариқларимизда оддий сув эмас, қаймоқли сут оқади ва бу оққан суддан албатта ҳаммамиз баҳраманд бўламиз деб ишонган эдилар.

Аммо тез орада ўтмиш СССР фуқароларининг Ҳаммасига истасалар текин уй-жой берилиб келингани ва булар ҳазил эмаслиги, булар дунёдаги энг бой мамлакатларнинг ҳам ўз халқига қилолмаган яхшиликлар экани, ҳеч қайсимиз англамаган ва кадрламаган оддий ҳақиқат эди.

Ишсизлик деганда агар ялқов бўлмасанг, турли Ишлар Тиқилиб ётарди, халққа дўхтирлар хизмати пулсиз, ўқиш-ўқитиш текин, талабаларга бепул оппоқ простина тўшаклар ва ётоқ, яшашга етарли стипендиялар берилиб маош ва пенсиялар ҳам яшашга етарли бўлганини эслаган кишилар, бугун эссиз, бундай жарангдор ва қуруқ сафсата мустақил ликнинг нима кераги бор демоқдалар.

Чунки Мустақил 15 республиканинг шу кунгача биронтасида ҳам кўнгилдагидек ривожланиш ўрнинга, ўғирлик ва порахўрлик ривожланиб, халқлар аҳволи 20 дан 50 мартагача ёмонлашиб, баъзи Россия ва Қозоғистондагина кам ўзгаришлар бўлаётсада, Ўзбекистонда йил сайин эмас, қун сайин ҳамма томонни олманг, фақат ва фақат орқага кетишни кузатиш мумкин.

Каримов 23 йил таътилсиз ишлади, бунга сиз тасаннолар айтмоқчимисиз, тўхтанг, чунки у ўз халқини қароқчиларча талаб ва эзиб келишда, халқи томон ўз армияси томонидан ўқ ёмғирини ёғдириб, қирган жаллод сифатида, мамлакатни вайрон қилиб, унинг олтин ва тугалмас бойликларини талашда ёнинга хотини ва икки қизларини ҳам ёнига чақирди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида масалан, бир камбағалнинг бешта товуқ ўғирласа бир йил қамоқ олиши мумкин.



Аммо ўғрилар тўртта бўлиб битта товуқ ўғирлашса, уларнинг ҳарбири камидан уч йилдан жаъми 12 йил қилиб берилади.

Демак Каримов ва Каримовалар суд қилинсалар уларнинг ҳам Ўзбекистонни талашда шерикчиқ қилгани учун улар гуноҳи оғирлашиб 200 йилдан кам бўлмаган жазони ҳар бири олишлари керак.

Ислол акангиз эса, ўшанда ўзининг “юртбоши” эмас ўғрибоши эканлигини бўйнига олиб 23 йилги сурган давронлари учун қанча юз йил жазо олгани билан у турмада 2 йилга етмай ўлиб кетади, чунки у ерда ўзи буюрган тепкиларга кўшиб, ерда кунда шоҳона овқатланиш ўрнига баланда ичиб, ичи ҳам тар-тар кетади.

Массажистлар қизлари, 10 ва 15 талаб лимузинлар, самолётлар ва қатор дўхтирлар қайларда қолиб кетади унга энди.

Аммо унинг хотин ва қизлари бугун тилло ва брилли Антларга ўралиб, миллионлаб евроларни сочиб юрсалар, эртага қамокнинг сассик шконкаларида умирларининг охиригача шилдир сувга бойитилган баландага тўйиб йиртик ва пахтаси йўқ битлаган матрасларда ухлаб умирларини ўтказиш керак.

Каримов бир давлатга борса икки-уч самолёт қўриқ чилар ва унинг бизнесмен фидойи танишлари, Тош кентга қайтса 10 та лимузин ишга олиб келса, қайтса ҳам шундай, минглаб унинг махсус шахсий формасиз малайлари оёқлари ерга тегмай чопқиллаб харкун уни қўриқлаб юрсалар, ахир бундан ортиқ «номига айтилган иш» ва дам олишлар дунёда қимда бор дейсиз?

У бир ойлик дам оламан деса, ўз ўрнига тайинланган ЦК нинг политбюро аъзолари зимдан келишиб, худди Н.С. Хрушчёвнинг вазифасидан ҳайдалганининг ўз бошига тушиб қолишидан ўлардай кўрқадиган ва у ўз тақдирини ҳал қилишда ниҳоятда пишиқ ва прагматик шахс эканини унутмаслигимиз керак.

Турлибеков Ёдгор

Келажаги буюк Ўзбекистон!

Бу жумла бир вақтлар қанчадан қанча шоирлару ва ҳаттоки шоир бўлмаганларни илҳомлантирганди. Яна кимлардир шу жумлаларни келтириб, ўзича уни илмий “асослаб” фан номзодлари бўлмади? Халқимизнинг лаганбардор қатлами учун салкам дохий бўлган президентимизнинг ҳали оғзидан чиқиб улгурмаган сўзлари ҳам илохийлаштирилди ва Ислому Карим ҳазратларига суяк ташлаб кимлардир ўзича обрў топди.

Лекин буни қарангки, халқимиз ўз ҳикматларида айтиб ўтганидек, ҳолва дегани билан оғиз чучимаскан. Буюк келажак куюк келажакга айланди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи ва сўнги президенти бўлган Ислому Каримов таъкидлаган буюк келажак йигирма йилда ҳам келмади ва бундан кейин ҳам келмайди. Ҳар мамлакат борки, унинг буюк келажagini ҳукмдори эмас, балки халқ, ёш авлодлари бунёд этади. Албатта буни тўғри англаш учун фан номзоди бўлиш, ёки етуқ бир иқтисодчи, ёинки сиёсатчи бўлиш шарт эмас. Урвоқдеггина ақли бор одам ҳам тўғри англай оладик, халқини хонавайрон қилган ҳукмдор уни буюк келажакга олиб чиқа олмайди! Ёзининг жазирамасию, кузнинг салқинида ҳам кунини гўза пайкаллари орасида ўтказадиган ёшлардан келажакда ким ҳам чиқарди дейсиз. Наридорса Россияга мардикор бўлади! Бу халқ фарзандлари шу кунларда бундан ортиғига ярамайди ҳам.

Одатда ҳукмдорларнинг шиорлари куйидагича: “Давлат – бу мен”! Давлат ҳам, қонун ҳам менинги ўзим деганларнинг анчаси араб ўлкаларида онасини кўрди ва яна кўришда давом этишяпти. Аммо Ўзбекистонда бундай ҳаракатлар кузатилинмайди. Сабаби оддий. Тагин ўша ўзимизнинг “узокни кўзлаб оқил ва доно сиёсат олиб борадиган” ҳукмдоримизнинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, биздаги эл кўй оғзидан чўп олмайди. Уни ҳар қанча хўрлаган билан, барча хўрликларга ўзида бардош топа олади ва тагин ҳукуматни алкаб ҳам кўйди. Масалан, ҳукмдор кетига тегиб юборса, “кечирасиз, кетим оёғингизга тегиб кетди” деб узр айтиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон мустақил бир давлатга айланибдики, йиллар давомида ҳукмдорнинг олиб борган ўша “оқил ва доно” сиёсати боис, ватан хароб бўлиб бормоқда. Республика дунёдаги энг коррупциялашган мамлакатлардан бирига айланди. Ҳозирда Ўзбекистон аҳолиси иш тополмайди, иш топганида маош ололмайди. Маош олганида эса ишлаб топган пулига



ҲОКИМЛАР ҚИСМАТИ БИР

хемири ҳам келмайди ва у мажбур бўлади тарки ватан қилишга. Четда ишлаб уйда қолган оиласини боқад.

Лекин мамлакатда ҳамма нарса ёмон деган билан уни яхшиланиб бораёттику дегувчилар ҳам учрайди албатта. Бир вақтлар оқ пошшо яхши бўлиб, унинг амалдорлари ёмон эди. Кейинчалик Сталин яхшию, унинг кўли остидагилар ёмон бўлди. Энди эса Ислому Карим юртбоши яхшию, унинг вазирлари ва жойлардаги ҳокимлари ёмон! Шундай эмасми?

Шундай бўлса керак-ки, Президентимиз тез-тез жойлардаги ҳокимларни алмаштириб туради. Бу билан бирор яхши томонга силжиш бўлмаслиги аниқ бўлса ҳам, ҳар қалай халқда эртанги кунга умид уйғониши мумкин. Қолаверса ҳукмдор ўзини адолатпеша қилиб кўрсатиш учун ҳам зарур бўлган чорадир бу.

Яқин – яқинларда ҳам ўзини юртбошининг одами деб билган Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманининг ҳокими (эндиликда собик) Ўқтам Хидиров оламдан ўтибди. У шу йилнинг 2 июнь кунда аввал пенсияга чиқарилиб, кейин ҳибсга олинганди. Шаҳрисабздан келадиган маълумотларга кўра, орадан бор йўғи бир ҳафта ўтиб у ўлган. Балки қийноқлар остида жон бергандир, мумкин ўзини ўзи ўлдиргандир. Яна ким билади дейсиз, кимдир томонидан ўлдирилгандир. Ўзбекистондай ёпик мамлакатда ҳукумат нома истаса шуни қилади ва бунда биров жавобгар ҳам бўлмайди. Ўқтам Хидиров 2003-2005 йилларда вилоятнинг Китоб тумани ҳокими бўлган 2005 йилда шахсан юртбошининг тавсияси билан Шаҳрисабз тумани ҳокими этиб тайинланганди. Уни Қашқадарё вилоят прокуратураси қатта миқдорда пора олганликда айблаётган эди.

Бухоро шаҳрида эса бор йўғи бир йилу уч ой ҳокимлик қилиб давру даврон ҳам сура олмай қолган яна бир ҳоким Ҳайт Камолов ҳам қамоққа олинди. Бунисида ҳам ўша айб: коррупция ва иқтисодий жиноят! Коррупциялашган мамлакатда бировни порахўрликда айблаш ақлга ҳам сиғмайди

ҳолат бўлсада, нега ҳокимлар ва вазирлар қамоққа ташланаяпти? Балки уларнинг топган ўша ҳаром бойлигини ўзлаштириш мақсади ётгандир бунда? Йўқ албатта! Ҳукумат ўзини ўзи ейишга ўтди ва ҳокимлар жавобгарликга тортиладиган бўлсада, ҳали ҳам ҳоким бўлиш орзуси билан яшаётганлар кам эмасдек.

Шундай бир Афанди латиғаси бор. Афанди мамлакат подшошининг ҳузурда ўтирган экан. Подшо бир шаҳарнинг ҳокимини ҳисоб дафтари билан келишини

буюрган ва иттифоқо, шу кун келиб қолибди. Ҳисобларда чалқашликлар борлигини кўрган подшо ҳокимга ҳисоб дафтариини ейишга буюрибди. Ноилож қолган ҳоким дафтариини ебти ва подшоҳ уни қувиб солиб, ўрнига Афандини ҳоким қилиб тайинлаб юборибди. Орадан бир ой ўтиб подшоҳ Афандини ҳам ҳисоб дафтари билан қақиртирган экан. Қарсаки, Афанди юпка пағирдан варақлар тайёрлаб унга шаҳар ҳисоб-китобини ёзиб келганмиш.

“Бутун бошлик шаҳарда сенга қоғоз топилмай қолдими”? – кичқирибди подшоҳ.

“Мени маъзур тутинг шоҳим, меъдамнинг мазаси йўқ эди. Илгариги ҳокимга ўхшаб қоғозни ҳам қила олмайман”, – деб жавоб берибди Афанди. Бу бир латиға холос. Лекин негадир Ўзбекистонда ҳар бир ҳокимнинг қисмати қай ҳолда тугаётганини ҳар бир одам кўриб турган бўлсада, тагин эл бошига ҳоким бўлиш иштиёқида яшаётганлар оз эмаслиги ажабланарлик. 15 июнь кунда “юртбошимиз” Сурхондарё вилоятига сафар қилиганлиги ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Сурхондарёда бўлган Исламу Каримов 15 июнь кун тушдан кейин Сурхондарё вилояти Халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб вақтинчалик ҳоким вазиғасини ўтаб келган Нормўмин Чориевни вилоятга ҳоким этиб тайинлаган.

Подшонинг келиши олдидан вилоят маркази Термиз шаҳрини туманлар билан боғлайдиган барча йўллар беркитилган. Юрган йўлида одамларга маслаҳатлар беришни шу кўрадиган юртбоши уй жойлар қурилишларини, ғаллазорларни кўздан кечирганлиги айтилмоқда президентнинг Сурхон сафари ҳақидаги маълумотларда. У бирида Қарши шаҳрида ҳам бўлганида Қашқадарё вилоят туғуруқхонасига ташриф буюриб, ҳаттоки дояларга ҳам маслаҳат бериб кетганди. Юртбошининг “доно” маслаҳатлар бериш жараёни эса Ўзбекистон телеканларида ҳам намоиш этилганди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: боши олдинги бетда)

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, ҳукумат ич ичидан ўзини ўзи ейишга ўтди. Бу сингари емирилишлар кўплаб мамлакатлар таърихида учрайди. Буни файласуфлар “Веспоянлик даври” деб аташади. Ҳар қандай парокандаликка маҳқум мамлакатда емирилиш шу зайлда ўтади. Аввалига халқ таланади. Бу давр Веспоянлик даврининг биринчи босқичи саналади. Иккинчисидан эса ишбилармонлар ва интелегенциянинг шўри қурийд. Учунчисидан ҳукумат ўз ўзини ичидан емира бошлайди ва шу билан “оқил

ҲОКИМЛАР ҚИСМАТИ БИР

ва доно” ҳукмдорнинг ҳукмронлиги тугайди. Унинг ўзи ҳам, номи ҳам тарих ахлатхонасига улоқтирилади. Мақолаимиз бошида ҳукмдоримизни мустақил Ўзбекистоннинг биринчи ва сўнги президенти деб атагандик. У кишининг “оқил ва доно” сиёсатлари мустақил мамлакатни бутунлай йўқ қилиб юборишига шубҳа йўқ ва шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ўзбекларимиз бошқа президентни орзу қилмасалар ҳам бўлади.

Сўнги йилларда Ислом Каримовнинг ҳокимларни ва вазирларни авахта ташлаётгани эса унинг адолат томон бош бургани белгиси эмас, балки режимнинг умрини имкон қадар чўзиб қолиш учун қилаётган ҳаракатидан бошқа бирор нарса эмаслигини бугунги ўзбеклар тушуниб етишлари даркор. Балки шунда ҳоким деган мансабнинг ишқибозлари ҳам кескин камайиб кетармиди. Диктаторлик режими остидаги ҳар бир ҳокимнинг қисмати шундай тугайди.

Тўлқин Қораев
Швеция

Ўзбек режими ва унга тегишли ОАВ Ўзбекистоннинг келажаги буюклигини такрорлашдан чарчамайди. Ва ким режимни танқид қилса “Ўзбекистон ютуқларини кўролмайдиган қора кучлар” экани қайта қайта таъкидланади. Ўзбекистонда кўролмайдиган нима бор ўзи? деб биров сўрамайди. Сўролмайдиям.

Озодлик Радиоси сайтидага мақоладан иқтибос;

Қарши тумани Ниёзмудин қишлоғи Ниёзмудин маҳалласида яшовчи 42 ёшли Саломат Абилова жорий йилда уч фарзанди билан 2 қути – 40 грамм ипак қурти олиб боқди.

Баҳор серёмғир бўлгани учун ипак қурти боқиш анча қийин кечганини айтади Саломат опа.

Пилла вақти шунақанги жала ёғди, челақлаб қуйгандай ёғди. Ёмғирларга қолиб кетдим. Уйларимнинг ёғочлари синиб кетди. Болаларим билан жалада қолиб кетдим.

Ҳамма нарсам ёмғирга қолиб расвоси чиқиб кетди. Бу йил пилла қурти боқиш анча қийин бўлди, Пиллани боқтириб олиш учун қоп-қоп ваъдани беришди. Мана пиллани олиб кетиб бўлгандан кейин на пулидан дарак бор, на бошқа нарсасидан дарак бор. Ўзимиз меҳнатни қилдик, на энди қилган меҳнатимизнинг пулини югуриб ҳам ололмаяпмиз. Нима қилишимиз керак биз? Ана энди қайси ташкилотга борманг, ҳеч қайсиси тингламайди. Оддий бир маҳалласига чиқсак, борган еринга бор, қўлингдан келганини қил дейди. Нима қилишимиз керак? Кимга мурожаат қилишимиз керак? Оддий халқ буларнинг яғанасига керак, чопиғига керак, пилласини боқишга керак, пахтасини теришга

керак. Бошқа оддий халқнинг керакли жойи йўқ. Оддий халқ қўл! Қўлдорлик даври бошланиб кетди Ўзбекистонда. Ҳеч ким тингламайди оддий халқнинг дардини, дейди дейди Саломат Абилова.”

Мен бу аёлни ҳасратини эшитиб ёшлигимда шунга ўхшаган пилла қурти боққан бир қариндошларимизни уйига меҳмонга борганимиз эсимга тушди. Уларни уйаридаги барча нарса мебел гилам чиқариб уйни

ИПАК ҚУРТИ



Бу аёлни нега ҳасратидан чанг чиқаётганини эса тушуниш мумкин. Бунақалар эса Ўзбекистонда сон мингта. Пилла етиштириш ҳам Ўзбекистонда давлат назоратидаги соҳа ҳисобланади. Бу йилда Ўзбекистон бўйича 25 минг тоннадан зиёд “кумуш тола” хирмони яратиш

Шунинг учун буни боқишга эса улар мажбур эканлар.

Шу каби мана Қаршилиқ Абиловлар оиласи белгиланган 120 кило режани ошиғи билан бажариб, 130 кило пилла етиштирган. Бу каби уч ой бола чақаси билан қилинган меҳнатнинг яъни, Саломат етиштирган пилласи нархи жами 650 минг сўмни ташкил қилар экан. (250 доллар) Хуллас калом қуртларнинг қадри инсон қадридан баланд Ўзбекистонда.

Лекин Алимовлар оиласи орадан ярим ой вақт ўтганига қарамай ўша пулни ололмай сарсон.

режалаштирилган. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайтида қайд қилинишича, ўтган йили 24 минг 666,9 тонна пилла етиштирилиб, бундан Вазирлик 65,2 миллиард сўм фойда кўрган. Гулнора Каримова эса Фарбга бориб ипак матодан тикилган кийимларни реклама қилиш билан банд.

Лекин халқ дардини тинглайдиган одамни ўзи йўқ. Бу каби муаммолар ҳақида ўзбек ОАВ гапирмайди. Уз. ТВ. ва ОАВ эса Ўзбекистоннинг келажаги буюклигини кўрсатиш билан оввора. Хўш, бу ҳолат қачонгача давом этади?!

М. Абутов.

Ихвонул Муслимин ташкилоти тарафидан 2011 йилда тузилган “Хуррият ва Адолат” исломий сиёсий Партиясининг 60 ёшли раиси Муҳаммад Мурсий, Муборак режими қулагандан сўнг то ҳозирги кунгача ҳукуматни ўз қўлида ушлаб турган Ҳарбий Мажлис вакили бўлган гене-рал Аҳмад Шафиқ устидан сайловда ғалаба қилиши аниқ кўриниб қолгач, Генерал маршал Муҳаммад Тантовий бошлик ҳарбийлар хийла йўлига ўтишди. Асосий кўпчилиги Ихвонлардан ташкил топган ва конуний сайланган Миср-нинг янги Парламенти Ҳарбийлар тайинлаган Конституцион Суд қарори билан тарқатиб юборилди. Ва ҳукумат бошқаруви ҳарбийлар қўлида қолди. Шу билан бирга Ҳарбий Мажлис эса янги сайланган Президент ваколатларини аниқлаб берадиган вақтинчалик Конституция устида ишлаб бошлашди. Чунки, Мисрда ҳалигача янги Конституция қабул қилинмаганди. Муборак режими Ҳарбийлари эса Парламент Ихвонлар қўлига ўтгани ва Парламент тарафидан янги Конституция қабул қилинар экан, Ихвонлар мамлакатдаги Ҳарбийларни ваколатларини анчагина чеклаб қўйиши ва шу билан уларни Миср ҳукуматига таъсир қилиш имкониятлари буткул йўқотишларидан хавфсирашди. Кўп йиллардан бери Мисрда ҳарбийлар давлат бошқариб келишган. Ва агар Муҳаммад Мурсий Президент бўлса, у Мисрни биринчи ҳарбий бўлмаган раҳбари бўлиши кутиляпти. Мисрни Ҳарбийлари демократик йўл билан сайланган Парламентини тарқатиб юборишини нимагадир жаҳон ҳамжамияти сукут билан қарши олди. АҚШ Давлат котиби Х. Клинтон хоним “Миср ҳарбийлари ҳукуматни демократик сайланган ҳукуматга беражанини умид қилишини билдириш” билан кифояланди халос. Муборак даврида АҚШдан ҳарбий харажатлари учун йилига 3 миллиард доллар ёрдам пули

олиб турадиган ва Муборак кетгач ҳам бу пулни олишда давом этаётган ҳарбийлар АҚШдан “берухсат” бундай кадамни қўйишга журъат қилаолармидилар?! Бу савол жавоби бизни ўйлантиради. Ой раҳбарлари бу борада бирор хали муносабат билдирмадилар. Ҳарб тарафидан мусулмон мамлакатларига нисбатан яна икки мезонли сиёсат кетаётган бўлиши эҳтимоли бордек?! Агарчи Муҳаммад Мурсий ўз сайлов олди дастурида Исроил билан тинчлик

Ҳ.МУБОРАК РЕЖИМИ ТАЛВАСАДА



битими бекор қилинмаслигини ва Миср фуқаролари мусулмонлар ва насронийлар, эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқли бўлишини ва исломий талабларни бажаришлик давлат томонидан мажбур қилинмаслигини қайта қайта таъкидлаган ва ҳатто кунга кеча ҳам агар ғолиб бўлса интиқом сиёсати олиб бормаслигини Миср халқини барча фуқароларини манфаати учун хизмат қилажанини айтган бўлсада, афтидан демократик Ҳарб ихвонларни иқтидорга келишини унчалик хошламаётгани кўриниб турибди. Деярли ҳеч қайси ташқи давлатлар томонидан

Муҳаммад Мурсий номзоди қўллаб қувватланмади. Улар таниган номзод Амр Мусо эса сайловни биринчи туридаёқ мағлубиятга учради. Ҳарб учун Аҳмад Шафиқ номзоди ҳам қабул қилиб бўлмайдиган номзоддир. Чунки, у эски мустабид режимнинг вакили. Мустабидлик даври тугаётган бир пайтда бунақа мустабид номзодни очикча қўллаш ҳато бўларди албатта. Миср халқи аксарияти унга қарши бўлиши табиийдир. Муборак режими-нинг собиқ амалдори Генерал Аҳмад Шафиқни сайлашлик, бу инқилоб мақсадларини йўққа

чиқариш ва мамлакатни яна орқага Ҳарбийлар яққа ҳукмронлиги даврига қайтариш демакдир. Шунингдек уни халқига ваъда қиладиган ҳеч қандай ислохот режаси йўқ. Муҳаммад Мурсийни Миср халқини аксарияти қўллаб қувватляпти ва ундан ислохотлар умид қилаяпти. Зеро ундан бошқа ислохот олиб келишни ваъда қилаёт-ган номзодни ўзи йўқ бугунги Миср сиёсат майдонида. Умри тугаганини сезиб турган ҳарбийлар эса осонликча жон бермоқчи эмаслар. Буларнинг барчаси бугунги кунда мусулмон мамлакатларидаги исломий жамоаларни умуман, ҳатто радикал бўлмаган жамоаларни ҳам давлат тепасига келиши қанчалик оғир ва мураккаб эканини яққол кўрсатиб турибди. Бу масалада анча муваффақиятга эришган жамоа Туркиядаги Эрдўғоннинг Адолат ва тараққиёт Партияси ҳисобланади. У ерда ҳам Армия генераллари Исломий жамоатларга худди Мисрдаги каби йўл тутишганди. Ва ҳатто сайлов йўли билан ҳукумат тепасига келган Нажмиддин Эрбаконни истеъфо беришга мажбуо қилишганди. Бугунги кунда энди Мисрда худди шу Туркиядагаи бўлгани каби, Ихвонлар ва мустабид режим орасидаги эски кураш янгича кўринишда давом этапти. Натижа қандай бўлишини эса вақт кўрсатади.

М. Абутов.

МИСР ХАЛҚИ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИНИ БИЛИБ ОЛИШ УЧУН ЯНА КУТАДИГАН БЎЛДИ



Миср Олий Президентлик Сайлов Ҳайъати иккинчи босқич сайлов натижаларини бугун - пайшанба куни эълон этмасликка қарор қилди. Сайлов ҳайъатининг айтишича, номзодларнинг шикоятларини ўрганиб чиқиш учун кўпроқ вақт лозим бўлади.

Миср Олий Президентлик Сайловлари Ҳайъати кеча чоршанба куни ҳар икки номзод тўрт юзга яқин шикоят билан чиқишганини маълум қилганди. Уз ўрнида, ҳайъат якуний сайлов натижаларининг аниқ қачон эълон қилиниши ҳақида миқ этмаган. Оммавий-ахборот воситаларидаги хабарларда эса, ғолибнинг шу дам олиш кунларида эълон этилиши тахмин этилмоқда.

Президентлик сайловларида ҳам “Мусулмон биродарлиги” вакили Муҳаммад Мурсий ва ҳам мамлакат собиқ Бош вазири Аҳмад Шафиқ ғолиб чиққанликларини даъво этишмоқда.

Муносабат “Мусулмон биродарлиги” гуруҳи воизи Нодир Омраннинг айтишича, сайлов натижалари бекор кечиктирилган. Воизга кўра, бу - одамлар орасида тангликни янада кучайтириши мумкин. Уз ўрнида, минглаб муҳолифат тарафдорларининг “Таҳрир” майдонидаги норозилик чиқишлари ҳам давом этмоқда. “Мусулмон Биродарлиги”нинг айтишича, сайлов натижалари эълон қилинмагунча, ўз намоийшларини давом этдиришади.

Намоийшчилар Миср ҳарбийлари конституцияга тузатиш киритиб, ўзларига бериб юборган чексиз ваколатларини ҳам топшириб қўйишини талаб этишмоқда.

ИНСТИТУТЛАРДА ТЕЛЕФОН ОВИ БОШЛАНДИ

2012 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли қарори қабул қилинди. Шахсан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ имзолаган ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси таълим муассаса-ларида мобил телефонлари-дан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги ички низом тасдиқ-ланди. Низом қанақа ўқув даргоҳи бўлишидан қатъи назар, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида мобил телефонларидан фойдаланиш тартибини белгилайди. Шунингдек (институтимиз декани) айтишича бу низом биз талабаларни “сифатли таълим олиш ва касбий тайёргарликка эга бўлишда, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ўқувчи-ёшларнинг соғлиғини сақлашда хавф-хатарларни камайтиришда ўқувчи ва талабаларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган.” Яна “Таълим-тарбия жараёнини таш-кил этиш самарадорлигига эришиш ҳамда ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш ушбу Низомнинг мақсадлари ҳисобланар” экан. (Менимча Ўзбекистоннинг буюклигини кўролмайдиган қора кучлар томонидан таркатилаётган турли хил маълумотларни талабалар орасида тарқалишини олдини олиш ҳам бу Низомни мақсадларидан бири ёки асосийси ҳисобланади) Ушбу Низом давлат ва нодавлат таълим муассасаларига татбиқ этилади ҳамда таълим олувчиларга, шунингдек таълим муассасаларининг барча тоифалардаги ходимларига нисбатан амал қилади. Телефоннинг сақланиши учун фақат унинг эгаси (ота-оналар) жавоб берадилар. (Яъни биров ўғирлаб кетса, домлалар жавобгар бўлмайди) Низомнинг 6-8-бандларига кўра, таълим муассасасига кириб келишда

ҳар бир таълим олувчи, ходим, келувчи ва бошқа шахслар ўз телефони абонентининг чакирув овозини тўлиқ ўчириб қўйиши (телефонни “овозсиз” режимга ўтказиши) шарт.

Таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотлари ва тадбирлар (сафланиш, тарбиявий соатлар, байрам, спорт тадбирлари ва шу кабилар) бошланишидан олдин таълим олувчилар:

- телефонини ўчириб қўйиши;
- телефонини портфели, сумкаси ва шу кабиларга солиб қўйиши шарт.

Таълим олувчиларга куйидагилар қатъиян тақиқланади:

а) телефонини бўйнига осиб олиш, кўкрак чўнтақларида, шим, юбкалари чўнтақларида ва шу кабиларда сақлаш;

б) телефон аккумуляторини зарядлаш учун таълим муассасаси электр тармоқларига улаш;

в) телефони ёрдамида:

- атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарғибқилувчи видео ва суратларни намойиш қилиш;
- таълим муассасасининг нуфузига, шу жумладан, зўравонлик ва вандализм ҳолатларини суратга олиш ва кейинчалик уларни атрофдагиларга намойиш этиш йўли билан зарар етказиш;

г) ўқув машғулотлари вақтида:

- телефон орқали сўзлашиш ҳамда SMS (MMS) ва бошқа турдаги хабарларни жўнатиш;

- телефонни стол устига қўйиш;
- мусика, шу жумладан, наушниклар орқали тинглаш;
- сурат ва видео тасвирларни кўрсатишда телефондан фойдаланиш (ўйинлар билан шуғулланиш), тасвир (матн, расм, видеоёзув ва фотосуратлар) кўриш, диктофон, калькулятор, календарь, блокнот, ён дафтарча кабилар сифатида фойдаланиш;

- суратга олиш ва видео тасвирга тушириш;
- телефон (GPRS, Bluetooth, Интернет ва шу кабилар) орқали бошқа хизматлардан фойдаланиш.

Низомнинг 13-бандига кўра



Низом талабаларини бузган таълим олувчиларга нисбатан куйидаги таъсир кўрсатиш чоралари қўлланади:

- огоҳлантириш;
- уларнинг кундалик дафтарига ёзиб қўйиш;
- ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) хабардор қилиш ёки тушунтириш суҳбати ўтказиш учун таълим муассасасига чакириш.
- Ушбу Низом талаблари бузилган тақдирда таълим муассасасининг ҳар қандай педагог ходими таълим олувчидан телефонни олиб қўйиш ҳуқуқига эга. (Домлалар талабаларни телефонини олиб қўйиш учун пайт пойлаб юрадиган бўлишди) Домлаларни тушуниш мумкин. Уларни ҳам болаларига телефон керак. Шунингдек, Низом талабаларини бузган талабаларга нисбатан олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига мувофиқ бошқа чоралар ҳам кўрилади. (Яъни, институтдан ҳайдаб юборилади) Шу жихатига алоҳида урғу бериладики; ушбу Низом талабларни ҳар бирига, ҳар йили имзо қўйдирилган ҳолда ва унинг ота-онасига (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга), етказилади. Булардан хулоса қилсак, энди “институтларда ўқиш сифати яхшиланиб, талабалар юқори баҳоларга ўқий оладиган бўлиб кетсалар” ажабмас.

Сурхондарёлик талаба Сардорбек Тошкент

ЧИМКЕНТЛИКЛАР ПОЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИ КАЛТАКЛАГАН



Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри атрофида яшовчилардан иборат оломон шубҳаланаётган шахсни қўлга тушириш ҳаракатидаги полиция ходимларини калтаклаган. Бу ҳақда Жанубий-Қозоғистон округи ички ишлар бошқармаси матбуот хизматидан хабар қилинади. 14-июнь куни Шимкент шаҳар Енбеқши туман ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилаётган ихчам-қидирув тадбирлари пайтида Ворошиловка ҳудудида муқаддам қидирув эълон қилинган, ўғирлик ва қароқчиликда айбланаётган 21 ёшли эрак

кишини қўлга тутиш жараёнида, у полиция ходимларига қарши фаол ҳаракат кўрсатиб, қариндошларини ёрдамга чақирган. Натижада 10 кишидан иборат оломон полициянинг 27 ёшли капитани ва 26 ёшли сержантини ўша ердаги уйлардан бирининг ҳовлисига олиб кириб, савалашни давом эттирган. Хужум қилганлардан бири шубҳаланувчи қўлларига солинган занжирни болта билан чопиб ташлаб, уни бўшатиб юборган. Натижада у номаълум йўналишда ғойиб бўлган.

КАРИМОВ КАДРЛАРИ: ИНСОН САВДОСИ ЧАҚАЛОҚЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида жиноий гуруҳ таркибида янги туғилган чақалоқлар савдоси билан шуғулланувчи (Султонова, Аннақулиева и Рўзиметова) уч тиббиёт ходими қўлга олинди, дея хабар беради “Маҳалла” газетасига суҳбат берган Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Раҳмат Маматов. Маматовга кўра, тиббиёт ходимлари сўнгги уч йил мобайнида турмуш қурмаган ҳомиладор аёлларни медицина муассасасидан ташқарида туғдириб, чақалоқларни сотиб келишган.

“Гуруҳ Ўзбекистон республикасининг Хоразм вилояти Хазорасп туманида фаолият юритган”, – деди Маматов, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда, аёллар ўз болаларини

соттишга розилик берганларми-йўқми, ҳозирча номаълум. Маматов матбуот анжуманида янги туғилган чақалоқлар савдоси қандай ўтгани, бу жиноят нақадар исботлангани ҳақида аниқлик киритиб ўтирмади. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат прокуратурасининг нашри бўлмиш “Хуқуқ” газетаси Тошкент шаҳар №3 туғуруқхонаси ҳамшираси ҳамда юристи чақалоқ тижорати билан қўлга олинганини хабар қилди. 12news.uz сайти шу муносабат билан, 2011 йил март ойида чақалоқ тижорати билан қўлга олинган 12 шахс устидан суд жараёни тамомланган.

Олти киши суд ҳукмига кўра, етти йилдан ўн ярим йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган.



Бошқаларга эса қамоқдан бошқа турдаги жазолар белгиланган. Бу жиноий гуруҳ бошлиғи, бир қатор туғуруқхоналарда юрист лавозимида ишлаётган 63 ёшли Икбархон Ҳақимова бўлиб чиққан. Гуруҳ хизмат ҳаққи \$2,5-3 минг орасида нархланади.



қонунчиликда нималар ўзгаргани таҳлил этилиб, маслаҳатлар ҳам берилади.

Тожикистонга ажратилган қисмда, бу мамлакатда аёллар ва болалар фахшга мажбурланиши ва эркаклар, аёллар ва болалар яна мажбурий меҳнатга жалб қилиниши айтилади. Тожикистонлик аёллар Бирлашган Араб Амирликлари, Россия ва оз сонда бўлса ҳам Саудия Арабистони, Қозоғистон ва Тожикистонда фоҳишалikka мажбур этилиши урғуланади. Аёллар аксарият

Ёшлари ўн атрофида бўлган болалар ҳам пахта теримига мажбур қилинади. Катта ёшдагилар эса ҳукумат буйруғи билан мажбуран пахта далаларига сафарбар этилади. Айрим хабарларга кўра, бу каби сафарбарлик чоғида иш соатлари узайтирилади, озик овқат етарлича берилмайди, болалар ва катталар зарарлик кимёвий моддалардан ихота этилмайди, бунинг устига мажбурий ишчилар ҳақоратлар остида ҳам қолади. Ўзбекистонлик эркак ва аёллар Қозоғистон ва Россияга иш кидириб кетишга мажбур.

Одам савдоси

Аёллар ва болалар одам савдогарларининг алдов йўллари билан Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Қозоғистон, Россия, Туркия, Тайланд, Малайзия, Корея, Япония, Хитой, Индонезия ва Ўзбекистоннинг ўзида фоҳишалikka мажбурланадилар. Ҳисоботда Ўзбекистон ҳукумати пахта терими мавсумида мажбурий меҳнатни тўхтатиш йўлида жиддий чора тадбирларни бошлашга, одам савдосига, болаларни ноқонуний меҳнатга мажбурлашга аралашган ҳукумат мулозимларини текшириш ва маҳкамага тортишга чақиради. Шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилотини мажбурий меҳнат ҳолатларига доир мустақил текширув ўтказиши учун мамлакатга киришига изн берилишини сўрайди. Ўзбекистонда одам савдосининг асосий қурбонлари текин ишчи кучи сифатида сотилаётган эркаклар ва фоҳишалikka мажбурланаётган аёллардир. Аммо мутахассислар сўнгги йилларда янги туғилган чақалоқларни сотиш ҳоллари бот-бот кузатилаётганига эътибор қаратишади. Икки йил муқаддам Хоразмда чақалоқларни сотишда айбланган йирик гуруҳ қўлга олингани хабар қилинган. Хоразмлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Ҳайитбой Ёкубов Би-би-си билан суҳбатда бу каби жиноятлар ортида қандай сабаблар тургани ҳақида гапирган.

АҚШ: “ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР МАЖБУРИЙ МЕҲНАТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА”

Яна ушбу мавзуга оид ‘Халқаро Меҳнат ташкилоти Ўзбекистондаги мажбурий болалар меҳнатини кузатсин’ Британиялик ўқувчилар ўзбекистонлик тенгдошларининг аҳволидан ‘ғазабланганлар’ Ўзбекистон ҳукумати болалар меҳнатига оид даъволарни инкор этди. Алдоқдор мавзулар Марказий Осиё, Ўзбекистон, **Яқин Шарқ**

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга доир бу йилги ҳисоботда айтилишича, ўзбекистонлик аёллар ва болалар қуллик ва фоҳишалikka учун сотилмоқда. Ҳисобот Сурияни одам савдосига қарши кураш бўйича вазият энг ёмон булган давлат, деб атаган. Давлат Котибаси Хиллари Клинтонга кўра, бу йилги ҳисобот замонавий қулликни фош этишга қаратилган. АҚШ давлат департаменти ҳисоботига кўра, бугунги кунда камидан 21 миллион киши мажбурий меҳнат, вояга етмаган ҳолда аскарликка ва ё фахшга мажбурликда яшайди. Аммо ўтган йили бу каби бечораликдан кутқарилганлар сони нисбатан ортган. Айни ҳисоботда Марказий Осиёнинг деярли барча мамлакатлари тилга олинади.

Вазиятнинг қанчалар абгорлиги ва

ҳолатларда Россия ва Қирғизистон орқали номлари зикр этилган мамлакатларга жўнатилади. Улар орасида Тожикистонлик аёлларни Афғонистонда ҳам фоҳишалikka мажбурланаётганлари, аксарият ҳолатларда бу Афғон эркакларига ихтиёрларига зид равишда турмушга чиқиш йўли билан рўй бераётгани айтилади. Халқаро Меҳнат Ташкилотига кўра, Тожикистонлик меҳнат муҳожирларининг анчагина қисми мажбурий меҳнат билан банд. Тожикистон ҳукумати эса, ҳисоботга кўра, одам савдоси ва замонавий қулликка қарши курашнинг энг оддий талабларига ҳам тўла жавоб берадиган амалларни йўлга қўймаган. Аммо ҳукумат ўтган йилларга нисбатан анчайин жиддий ўзгаришлар бошлагани ҳам қайд этилади. Болаларнинг мажбурий меҳнатидан пахта ишларида фойдаланиш кескин қисқаргани муваффақиятлар қаторида саналади. Ўзбекистон ҳам айни ҳисоботдан жой олган – бу мамлакатда эркаклар, аёллар ва болалар мажбурий меҳнат билан банд, болалар ва аёллар эса фоҳишалikka билан шуғулланиш учун бошқа мамлакатларга олиб чиқилади. Маҳаллий мажбурий меҳнат эса ҳар йили пахта далаларида кечади.



КУРАШМОҚ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистонда кечаётган ҳаёт суронига назар ташланг. Аксариди одамларнинг бахт-иқболдан эмас, балки бахтсизликдан кўпроқ ҳикоя қилаётганликларини кузатасиз. Албатта мамлакатда фаолият олиб бораётган кўштирноқ ичидаги “эркин” оммавий ахборот воситалари бу халқнинг дардини, баъдбахтлигини кўра олмасда. Аксинча, кўп ҳолларда улар мамлакат тараққиёти ҳақида, унинг ўсиб бораётган халқаро обрўси ҳақида, юртбошининг оқил ва доно сиёсати ўз меваларини бераётганлиги ҳақида лоф-коф урадилар. Аслида эса, тирикчиликда, ҳаётда ҳаммаси бунинг акси эканлигини одамлар тушуниб етганлари қачонлар эди. Хаттоки Совет даври тарғибот машинаси ҳам бугунги мустақил Ўзбекистон ахборот воситалари олдида ип эшолмайдиган нўноқ бир минбар бўлиб кўринади. Чунки уларнинг ўша давр бошлиқларга қараб айтадиган мактов ва ҳамду санолари бугунгичалик даражада эмасди.

Озодлик радиоси тўқинларида янграётган турли туман тақдирлар ҳақидаги ҳикоялар Ўзбекистон ҳукумати раҳбарининг наздида шунчаки, қора кучлар томонидан айтилаётган ёлгонлар холос ва кўйдайд ювош бу халқимиз ватанига, президентига содик бўлиб, ҳеч вақт унга хиёнат қилмайди. Лекин шундай бўлсада, тез-тез кимларнингдир ватан хоини эканлиги хусусида телелавҳалардан кўриб қоламиз, мақолалар ўқиймиз ёки радиоэшиттиришларни тинглаб қоламиз. Савол туғилади: Ўзбекистонда ватан хоинлари борми, ёки йўқ? Бор бўлса нега Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида улар йўқ деб айтилади? Бор бўлган тақдирда ҳам кимлар ватан хоини экан? Аслида ватан хоини деб ҳукуматга муҳолиф бўлганлар эмас, балки ватнига, халқига хиёнат қилганлар аталган. Ватанга садоқат – бу диктаторга садоқат дегани эмас, демак шу азиз ватан тупроғида туғилиб, ўсиб унинг бойликларини ўмараётганларни ҳам бемалол ватан хоини деб аташга ҳақлимиз.

Диктатура режимлари одатда одамларни бир мафкура атрофида, ёки бир шахс атрофида жипслаштиришга уринади. Шунда ҳам ҳукмдорнинг элга қарши жиноятларидан халқ кўзини юмиши лозим бўлади.

Нафақат кўзини юмиши, балки ҳукуматга чақимчилик қилиб гуноҳсиз одамларни қаматиб бериш ҳам анча йиллардан элимиз орасидаги анча-мунча одамлар учун “ватанпарварлик ҳисси” бўлиб қолган.

Сталин қатағони йилларида ҳам бизнинг Ўзбекистонда ўз яқинларини, ҳамшаҳр, ёки ҳамқишлоқларини чекистларга чақиб бериш билан, уларнинг умрларига завол бўлганлар кўп бўлганди. Халқ бу хиёнатни унутди! Бугунги мустақил Ўзбекистонда ҳам маҳаллаларни оралаб юрган МХХ чақимчилари, маҳалла оқсоқоллари ва посбонлар, буларнинг барчаси диктатор режимга бел боғлаб хизмат қилаётган кимсалар бошқаларнинг умрига завол бўлишяпти. Шунчаки баъзи ҳолларда улар ўзлари ёмон кўрган кўшчилари борми ёки бирор танишимни, унга зарар етказиш учун ҳам чақимчилик қилиб донослар етказиб беришяпти. Халқ бу кўргуликларни ҳам унутиб юборади! Ваҳоланки, халқимиз “оқил ва доно” президентимиз айтганидек, жуда кечиримлик ва ҳалимдеқгина халқдир.

Режимдан қутилиш бугунги кунда барча ўзбеклар ва ўзбекистонликларнинг бош мақсади мақсади шу бўлмоғи лозим. Айни кунларда мана шу мақсадга етишиш ҳар қачонгиданда муҳимроқ ва зарурроқ бўлиб турибди. Ислол Каримов ҳозирда катта қизи Гулнорани президентлик тахтиравонига ўтқазиш учун тайёргарликларни бошлаб юборган, эл орасида унга обрў-эътибор олиб беришга киришган. Обрў топиш ҳам албатта осон эмас, лекин бир қанча тўю томошолар, текин ошлар ҳалимдек халқимизнинг бўйнидан арқон боғлаб Гулноранинг қўлига тутқазиб бериши ҳеч гап эмас. Чунки биздаги минталитет шунақа. Эсланг мустақилликнинг илк кунларини. Ҳукумат раҳбари нималарни ваъда қилмади? Эндиликда эса Ўзбекистон қолоқ Африка мамлакатларидан ҳам орда қолиб кетди. Бу иктисодий макондаги ўзгаришлар бўлди. Совет даврини ҳам тоталитар давлатчилик деб биламиз, аммо ўша кезларда бировни тухмат билан қамоққа тикиш, азоблашлар элга ёт эмасмиди? Совет даврида Тошкентдан топилмаган ҳақиқатни

Москвдан топса бўларди, аммо энди чи? Энди эса ўзбеклар ҳақиқатни яратган зотдан сўрамоқда холос. Бошқа умид қиладиган на бир зот ва на бир ҳукмдор қолмади. Шундай бўлсада биз яшайпмиз!

Ўзбеклар энг яшовчан халқ десак мутлоқ муболага бўлмайди. Мамлакатда иш жойларининг қисқариб кетгани, узлуксиз давом этаётган инфляция – буларнинг барчаси Ўзбекистон халқи учун “ҳеч” экан. Маҳаллаларни оралаб альюмин ёки мис идишми, симми, ҳар ниманики топса Қозоғистонга пуллаб бўлса нонини топиб еди бу халқимиз. Бу кунлар ҳам ўтиб кетди. Мана энди эса халқ пачка пачка бўлиб Россия ҳудудларига томон оқмоқда ва “гастербайтер” деган бир ҳамоқатни елкаларига ортиб тагин яшаш учун курашмоқда. Буни яшаш дейиш ҳам нотўғри албатта, тирик қолиш учун дейилса айни ҳақиқат бўларди. Қизиқ, бу эл ҳамма нарсага рози ва ҳар нарсага тайёр, фақат ҳукумдорга қараб бир оғиз бўлсин, қаттиқроқ сўз айтишга ботина олмайди. Мана шу ўзбек учун оғир бир синовдир.

Ўзбек эртақларининг бирида бир подшонинг камбағалона кийиниб тунлари шаҳар атрофини айланиб, фуқаронинг ҳолини кузатгани айталарди. Ўша эртақда подшо бир тунда овлоқ бир жойда чилдирма чалиб хушвақтлик қилинаётган уйга қараб бораркан. Бориб қарасаки, бир одам шаъмлар ёкиб қўйиб, чилдирмасини даранглатиб ўзини ўзи хушвақт этиб ўтирган экан. Суриштирса, у шу ерлик бир ямоқчи бўлиб чиқади. Бир кунда тўрттагина шаъм, бир кечалик егулик ва чойига яраша пул ишласа бас экан. Подшоҳ эртаси куни ямоқчиликни таъқиқлаб фармони олий чиқаради. Ямоқчи уйдаги бисотини сотиб ўша ўзи истаган неъматларини олиб тагин кўнглини хушлайди. Подшоҳ уни ўзига навкар қилиб ишга олиб қарайди. Қарасаки, ямоқчи қиличини сотиб тагин ўша куйи, кўнглини хушлаб ўтираверади. Охир уни саройдан ҳайдаб яна ямоқчилик қилишига буюради. Ямоқчи тагин эски касби билан вақтини хушлаб яшайверади.

Бу ўзбек халқ эртақларидан бирининг қисқача мазмуни. Халқимиз ҳам ўз эртағидаги мана шу ямоқчига ўхшаб қолгандай. Юрт подшоси элнинг бошига нима кунларни солса ҳам миқ этмай, тагин ўзининг муроди учун пул топишдан бошқа нарсани ўйламайпти. Унинг муроди эса туй қилиш, элга ош бериш каби ўткинчи ҳою ҳаваслар. Миллат кул бўлиб қолиши ҳам элимизни ташвишга солаётгани йўқ. Пул топса, ўғлини уйласа, қизини чиқарса бўлди!

(Давоми кейинги бетда)

КУРАШМОҚ – ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бугунги кунларда Ўзбекистон халқининг ўргача ҳисобда етти миллиондан ортиғи Россия ҳудудларида мардикор бўлиб юрибди. Бундан ташқари дунёнинг яна қайси мамлакатларида кимдир кочок, кимдир гастербайтер ва кимлардир турли найранглар қилиб бўлсин, ўша мамлакатларда яшаб қолиш учун интилмоқда. Ўзбекистонликларнинг Озодлик радиоси тўлқинларида янграётган қисматларини эшитиб биров кулса, биров ёқасини ушлайди. Бир жувон фоҳишаларни ўз ихтиёри билан танлаганлигини, аммо бирор сўм ҳам ортира олмай ватанга қайтганини ҳикоя қилади. Яна бир ҳолатда эса, ўзбек йигитлари Москвада гей бўлиб пул топаётгани ҳақида ҳикоя янграйди. Ўзбекда ор қолдимми?

“Тирикчиликнинг айби борми?”, – дейилади халқимизнинг янги “ҳикмат”ларининг бирида. Бу “ҳикмат” Совет даврида пайдо бўлганди. Давлат магазинларидан пештахта остида мол олиб уни чайков бозорига олиб чиқадиган ўша даврнинг “корчалонлари” ўйлаб топишганди бунақа “ҳикматни”. Эндиликда пештахта остига тикадиган молнинг ўзи йўқ экан, элимиз ҳаттоки ўзининг минг йиллар давомида яратган миллий қадриятларини ҳам бозорга чиқариб сотмоқда. Яъни элнинг ори, номуси, кенг маънода айтадиган бўлсак – унинг ўзлиги эндиликда бозорда сотиладиган бир матоҳга айланди. Булар ҳаммасига ўша ўзимиз билган “оқил ва доно” президентимизнинг узокни кўзлаб олиб бораётган сиёсати сабаб эришиб бораёпмиз.

Бор йўғи корин тўйдириш, тўйлар қилиш мақсади билан шу даражага тушиб қолдикми? Нега? Негаки ўзбекларимиз чумчук “пирр” этса юраги “ширр” этадиган даражадаги кўрқокларга айланди. Номусни пуллагандан кўра, ҳукумат тепасида турган ўша беномусни кулатиш осонроқ эканлигини ҳали тушуниб етганимиз йўқ. Буни қийин билган элимиз ўзига бошқа йўлларни кашф қилаёпти. Тўғрида, тирикчиликнинг айби бор эканми? Болқаларнинг қорни тўқ, усти бут бўлса бўлди-да! Киши кўркмас бўлиши учун унда соғлом ғоя билан тарбият топган бўлмоғи лозим. Оналар алласида бош эгиб яшаш эмас, курак кериб яшаш қуйланса, балки келажак авлодларимиз бизга ўхшаб мардикор бўлмас. Агар оталаримиз фарзандларига бошликнинг юзига тик қарама деб ногўғри ўғит беришдан тўхтатасалар ва фарзандларни мағрур, соғлом ақллик қилиб тарбият этсалар, эҳтимол, келгуси авлодларимиз бугунгичалик номуссиз бўлмас.

Ҳозирда Ўзбекистондаги вазиятни ўнглаш ўрнига унинг бузук тегири-монига сув қўяётганларни эса ақли соғлом деб қараш мутлоқ ногўғри бўларди. Нима эмиш, колледжларда доллар ўқирмиш, ўғлонимиз эса Россияга бориб мардикорлик қилармиш. Ўзбекистонда коррупция бу даражада ривожланиб кетишида нафақат порахўр ҳукуматнинг, балки порахўрларга пора берувчи халқнинг ҳам айби кам бўлмаса керак. Агар порахўрга биров пора бермай қўйса мамлакат ўз ўзидан коррупциялашиб қолмасди ахир! Ҳозирда анчагина ватандошларимиз ватаннинг коррупция ботқоғига ботиб қолгани учун яқин ўтмиш бўлган Советлар даврини лаънатлайди. Ваҳоланки, ўтган йигирмай йил давомида коррупцияни буткул йўқ қилиш имконлари оз эмасди. Бироқ ҳукмдоримиз порадан ҳазар қилмайдиганлардан бўлгани учун ҳам коррупция мамлакатда ривож топди.

Ботирга – будун дунё ватан экан! Ўзбекларимиз шу кунларда қалбларида ҳукмрон бўлган кўрқоклик ҳисларини олиб ташлаб, қаерда бўлсалар ҳақ кўзига тик қарай бошласалар режимнинг умри тез кунларда яқун топади. Бунинг учун ҳар бир ўзбек ва ҳар бир ўзбекистонлик ўзида журъат топа билиши керак. Майли, ўша тўйлар бўлмай турсин, майли, орзу ҳавасларингизга биров кечикиб бўлсада етинг, лекин режимнинг томоғидан бўғиб олинг! Бунинг учун эса сиёсий кураш майдонига тушмоқ лозим!

Ўзбекистон халқи орасида кимлар мардикорликни ва яна кимлардир орфурушликни ўзига раво кўрган экан, бу миллатдан қаҳрамонлик кутиш осмондан чалпақ ёғишни кутишдан бўлак ҳеч нарсга эмасдир. Лекин халқимиз ҳикматларида айтганидек, чикмаган жондан умид экан!

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати бир йилдирки, ватандаги ва ватандан ташқаридаги ўзбекларни фаол сиёсий ҳаракатга қўшилишга даъват этиб келаяпти. Лекин миллатдошларимизда эса бу каби фаоллик деярлик кузатилинмайди. Қачон қараманг, ўзбекларимиз аксарига ўз исмларини ошкор қилишмаган. Таъкибга учрашдан кўрққан. Ваҳоланки, Каримов режими бутун Ўзбекистонни қамок лагерларига сиғдира олмайди. Шундай бўлсада кўркамиз! Кўрққанга эса қўшша кўринаркан.

Демакки, халқ бир тан, бир жон бўлиб курашга кирса бир ҳафтанинг нари, ёки берисида Ислоҳ Каримов ҳам, унинг гумашталари ҳам худди офтоб чикганида йўқ бўладиган қора тун каби йўқ бўлиб кетишади! Лекин қани ўша марду майдон ўзбеклар?

Зўрнинг кучи япалоққа етибди дейилади халқимиз ҳикматларининг бирида. Ўзбекларимизнинг кучи эса жуда япалоққа эмас, хотинига, болаларига етадиган бўлиб қолди. Ислоҳ Каримов режими Ўзбекистонни буткул абгор қилди ва келгусида бу “аллома” юртбоши яна қандай сиёсат олиб боришини эса биров тасаввур ҳам қила олмас керак. Агар миллат ва халқ шу бугунги ҳолида қоладиган бўлса Ўзбекистон келажаги қуйидаги икки йўлдан бирида бўлади. Биринчисида – Гулнора Каримова Ўзбекистон Президенти бўлиб юртни талаш давом этади. Иккинчисида эса, мамлакат бирор кучлик давлат тасарруфига қиради. Масалан: Хитой, ёки Россия Федерацияси. Мана бу эса ҳаққоний хоинлик бўлади! Миллатда бугун ватан йўқ экан, миллат ватан учун ҳозирдан курашга чиқмоғи лозим! Буни давр талаб қилаёпти!

Тўлқин Қораев
Швеция



Facebook - facebook.com/uzxalqharakati



Twitter - twitter.com/uzxalqharakati



Youtube - youtube.com/user/turkistonTV



Обуна - feeds.feedburner.com/uzxalqharakati/VGpk



“Одно” - odnoklassniki.ru/group/52189163487349



“Мой мир” - my.mail.ru/community/uzxalqharakati



Ҳафтанинг ҳар шанба куни
Тошкент вақти билан
соат 21-00 да
turkiston.tv радиосида
“ЭРКИН МАВЗУ”
ҳафталик дастурини
жонли ёйинда тингланг!
www.radio.turkiston.tv

Ўзбекистонда чиқадиган “Мулоқот” журналида президент И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли мақоласи чоп этилди. Аслида, бу матнни “мақола” дейиш қийин, чунки, унда бирон бир фикр йўқ, бу нарсани халқ учун ёзилган бир “йўлланма” дейиш ҳам имконсиз, чунки, унда кўрсатилган бирон йўлнинг ўзи ҳам йўқ.

“Биз қачонгача ўз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан ўлчаймиз?” деб савол беради президент ўз мақоласида. Албатта,

тарихимизни ўз қаричимиз билан ўлчаймиш ва унга нисбатан ўз нуқтаи назаримиз

бўлмоғи лозим, аммо давлатбошининг “нуқтаи назари”нинг ўзида ҳам бирон бир “нуқта”ни то-пиш қийин: муаллиф ўз мақоласида бор-йўғи, ўзбекларнинг турк ёки хун эмас, балки, бошқа халқ эканлигини уқтиришга урунади, холос. Аммо мақоладан кўринадики, ўзбекларнинг хунлардан “бошқа халқ” эканлиги асло ўзбек халқининг “хунларга ўхшамаган, маданиятли, қадимий” халқ эканлиги маъносида келмайди, бу фикрни муаллиф, ўзининг куйида-ги надоматли хитоблари орқали ифода этмоқчи бўлади: “Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё 16 асрда бизнинг заминимизни Дашти Қипчоқ ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир биз Мавораннаҳр деб атайдиган икки дарё оралиғида унгача ҳам халқ яшаган-ку! Ёки бу халқ бошқа халқ бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?” Муаллифнинг “ёки бу халқ бошқа халқ бўлганми?” деган саволини ушбу мақоланинг лейтмотиви деса бўлади, фақат бу “лейтмотив” очик айтилган фикр шаклида эмас, балки, таажжубга тўла саволлар орқали ўқувчи онгига сингдиришга урунилади. Зотан, 20 йилдан ошқроқ вақт мобайнида ўзбек халқига қарши геноцид сиёсат юргизаётган бу одамнинг худди шундай шаклда мушоҳада юритиши табиий бир ҳолдир, бошқача айтганда, унинг ўзбек халқига қарши юргизган геноцид сиёсати унинг халққа нисбатан ана шундай муносабати мевасидир. Энди И.Каримовнинг “Мантиқ қани бу ерда?” деган саволига келайлик. Мантиқ шундаки, миллатимиз ҳар доим ҳам ўзбек деб аталмаган. Яъний, президент Каримов излаб топган мантиқсизлик халқнинг ўзгармас, собит ўзлигини унинг ўзгарувчан (ўзгарган) номи билан боғлашга урунишдан келиб чиқмоқдадир. Бу усул ўзбек халқига душманлик қийфатидаги барча сохта “тадқиқотчи”лар қўллаб келаятган усулдир. Масалан, тилимиз “ўзбек тили” деб аталгандан илгари “чиғатой тили” деб аталган ва бу факт, табиийки, бизнинг миллатимизнинг “чиғатой” эканлигини англамайди. “Чиғатой” калимаси ўз таркибига бутун



ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ ЎТМИШ ҲАМ ЙЎҚ...

(И.Каримовнинг
“Тарихий хотирасиз келажак
йўқ” номли мақоласига
муносабат)

Туркистон ва Шарқий Туркистонни олган маъмурий худудга берилган ном бўлиб, бу ном шу худудда яшаган аҳолининг, этник келиб чиқишидан қатъий назар, барчасига нисбатан қўлланилган. Бу худудда яшаган аҳолининг асосий қисмини бугунги ўзбекларнинг аجدодлари ташкил этгани туфайли, “чиғатой тили” деганда, асосан, ўзбек тили тушуниладиган бўлган. Яъний, мантиқ шундан иборатки, бир неча минг йиллик давлатчилик тарихимиз мобайнида улус ўлароқ бизнинг номимизнинг ўзгариб тургани бу ерда яшаган халқнинг ҳам доим ўзгариб, бошқа бир миллатлар билан алмаштирилиб турилганини англамайди. Ҳатто мўғуллар истило қилганидан кейин ҳам Туркистонни мўғуллар эмас, маҳаллий аҳоли ичидан тайинланган ноиблар бошқарган, чунки, бир кўчманчи қабила вакилининг ўтроқ маданиятга, ўтроқ яшаш тарзига эга бир халқни бошқариши имконсиз бўлган.

Умуман олганда, президент Каримовнинг бу “рисола”сига концептуал шаклда жавоб бериб ўтиришга зарурат йўқ, чунки, унинг мақоласида бундай ёндошишга арзийдиган бирон бир концепциянинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам бу мақоладаги узук-юлук хитобларга биз ҳам қисқа-қиска жавоблар бериш билан чекланиб қўя қоламиз. Масалан, муаллиф Атиллага ворислик хусусида шундай ёзади: “...босқинчига ворис бўлиш фахр эмас, иснод-ку, бу иғвога учсак, эртага Европа биз ҳақда нима дейди?” Муаллифнинг: “...босқинчига ворис бўлиш фахр эмас, иснод-ку” деган жумласи нафақат муаллифнинг дунёқарашини, балки, унинг тарихга, тарих илмига бўлган қараши ва муносабатини, илмга ёндошиш шаклини ҳам очик намойиш этади. Юртбошининг бу гапи заъмирида “тарихимиздаги барча иснод саналган фактларни йўқ қилиб ташлаб, фақат ифтихорга сабаб бўладиган нарсаларни қолдириш керак” деган “доктрина”ни кўриш мумкин. Бундан ташқари, ўз мақоласи бошида “қачонгача биз тарихимизни бировларнинг нуқтаи-

назари, қаричи билан ўлчаймиз”, дея надомат қилган давлат раҳбарининг энди ўзи Европа “нуқтаи-назари ва қаричи” ҳақида қайғуриши жуда қулғули ва айни пайтда аянчли кўринади. Мақола давомидаги мана бу сатрларга бир қаранг: “Ўзбекистоннинг обрўйини кўтариш бир четда қолиб, аллақандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди. Мен бунга қатъиян қаршиман”. Муаллифнинг бу сатрлари рус ёзувчиси А.Чеховнинг “Олим кўшнига мактуб” номли ҳажв-ия-ҳикоясидаги қаҳрамоннинг ёзиш

ва фикрлаш услубини эслатади. Эсингизда бўлса, бу қаҳрамон ўзининг олим кўшнисига

ёзган мактубида кўшнисининг “қуёшда доғлар бор” деган назариясини “бундай бўлиши мумкин эмас, чунки, ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас!” қабилидаги “аргумент” билан инкор этади. Юртбошининг атрофида унга: “илм, шу жумладан, тарих илми ҳам “мен бунга қаршиман”, “иғвога учиш”, “иснод” деган эҳтиросли гаплар воситасида бунёд этилмайди, тарихий ҳаққонийлик” бундай тушунча ва хитоблар устига қурилмайди, биз, аждодларимиз ким ва қандай шахс бўлганидан қатъий назар, қайфиятга, шароитга қараб, уларни танлай олмаймиз” деб тушунтирадиган бир зот йўқ. Энди бевосита “Атиллага меросхўрлик” ҳақида икки огиз сўз: Атилла бир турк хукмдоридир ва у ўша пайтларда Туркистонда яшаган бошқа турк қавмларининг, яъний, бизнинг аждодларимизнинг қариндошидир, аммо биз ўз тарихимизни ва ўзлик хиссимизни айнан Туркистон билан боғлаймиз, чунки, Турк қавми Ўрта Русиядан тортиб, Ҳимолой тоғларигача, Дунай дарёси ва Ўрта ер денгизидан тортиб, Узоқ Шарқ, Сибир, Хитой ва ва Мўғулистонгача чўзилган чексиз худудларда яшаган улкан бир қавмдир.

Мақолани таҳлил этишда давом этайлик, журналнинг 14 бетида муаллиф шундай ёзади: “Халқимизнинг миллий туйғусини, ғурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани? Нима учун бу масалада олимларимиз ўртасида беҳуда тортишувлар бўлмоқда?” Журналнинг 15 саҳифасида эса, бу гапларга том қарама-қарши бўлган қуйидаги сўзларни ўқиймиз: “Ёшларга қанча тез йул очиб берсак, илмда, ижода шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса, ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади”.

Энди бу “таълимот”ларга амал қилишга жазм қилган олимларнинг аҳволини бир тасаввур қилинг: уларнинг бутун ғайрати ва куч-қуввати асосан қайси баҳс-мунозара ва тортишув “беҳуда”-ю, қайси бири, аксинча, “ҳақиқатни юзага чиқарувчи ва тараққиётга хизмат қилувчи” эканлигини аниқлашга сарф қилинади.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Бундай “сафарбарлик”дан сўнг уларда на илм билан шуғулланишга бирон бир рағбат ва на ташаббус қолади.

Умуман, ўзбек олимларининг бугунги ахволи совет давридагидан ҳам кўра, мавхумрок ва аянчлироқдир. Совет даврида, ҳар ҳолда, олим илмий иш ёзarkan, “юқори”нинг талаблари нимадан иборатлиги ҳақда аниқ бир тасаввурга ва ўзига хос йўлланмага эга бўлган, ҳозирги ҳокимият сиёсати эса, уларнинг илмий шуурларини бутунлай боши берк кўчага олиб кириб қўйди – олимлар юртбошининг “таълимотлар”идан сўнг нима ҳақда гапириш мумкин-у, нимани четлаб ўтиш кераклигини ҳам билолмай, гаранг бўлиб қолмоқдлар.

Масалан, телевидение

орқали Атилла ҳақида батафсил маълумот берган бир олим хусусида Президент газаб билан шундай ёзади: “Кўрсатув бошловчиси, олим одам завқ-шавқ билан Атилланинг кимга уйланганини, тўй кечаси кимнинг кўрсатмасига кўра, ким томонидан захарлаб ўлдирилганига оқимай-томизмай томошабинга етказди, ҳатто Атилланинг туғилган кунига аниқ айтди. Ўша олимдан Берунийнинг туғилган кунини айтиб беринг, десангиз, айта олармикин, худо билади”.

Агар бу бечора олим Атилла ҳақидаги маълумот Беруний ҳақидаги маълумотга зид келишини билганида эди, албатта, “йўлбошчи”нинг йўлидан юриб, Атилла ҳақида гапириб ўтирмаган ва фақат Беруний ҳақида гапирган бўларди.

Юртбоши ўз мақоласи давомида шундай ёзади: “Тафаккур” журналига берган интервьюда Амир Темур бобомизнинг “Куч – адолатда” деган фикрини ривожлантириб, “Куч – билим ва тафаккурда” деган ғояни ўртага қўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият қаерда-ю, Атилла қаерда?”

Бу сатрлардаги тарихий миқёсга, ўтказилган параллелга каранг: Атилла, Амир Темур, Каримов... Уч нафар тарихий миссионер... Майли, муаллифнинг миссионерлик туйғуларига кўп ҳам тегинавермай, мақолани ўқишда давом этайлик, иктибос: “Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик, Атиллани рўқач қилиб, бизга сиз узбеклар ҳам кўчманчи халқсиз, демокчи эмасилар?... ”

Тилимизда “тагли-тугли”, “палаги тоза” деган иборалар бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга айтилади... Бизнинг миллий борлиғимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтрок бўлган.”

Кўчманчиларнинг ахлоқ-одоб мезонлари, ўз ақида ва тафаккури бўлмайдими, деган фикрни ким муаллиф қулоғига шипшиди экан? Бутун инсоният, энг “ўтрок” хисобланган халқлар ҳам

бир пайтлар кўчманчи бўлган.

Ва аксинча, асрлар буйи энг кўчманчи саналган лўлилар ҳам бугунги кунда ўтрок ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳам ўз маҳаллалари бор, масалан, Тошкентдаги “Очовот маҳалла” ёки Самарқанддаги “Лўли маҳалла” каби... Юртбошининг ибораси билан айтганда, “ўзбекларга рўқач қилинган” Атилла борасидаги ўз фикримизни юқорида айтдик. Бугунги Ўзбекистон минг йиллар давомида Туроннинг, Туркистоннинг қалби бўлиб келган ва бундан кейин ҳам, иншооллох, шундай бўлиб қолади. Ўзбекнинг бугунги киёфаси миллатни эмас, балки, Л.Гумилевнинг ибораси билан айтганда, “супер этнос”ни тамсил этади. Ўзбек халқи бугунги кунда Турк улусининг

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ ЎТМИШ ҲАМ ЙЎҚ...

мавжуд бўлган бутун уруғларини ўзида мужассам қилгандир. Шу маънода улус сиёсатидаги мавқеи жиҳатдан бугунги Ўзбекларни фақат Усмонли турклари, яъний, ҳозирги Туркия турклари билангина тенглаштириш мумкин. Ўзбеклар ҳам худди Усмонлилар сингари Туркларнинг барча улусларини ўзига жамлагандир. Бу жамлик узун тарихимиз мобайнида ушбу иккита қардош халққа хос бўлган юксак маданият, давлатчилик шуури, саҳийлик ва бағрикенглик хусусиятлари устига барпо қилиб келинган.

Хуллас, юртбошининг рисоласидаги айтилган гапларни “рисоладагидай” дейиш қийин, ҳўш, у ҳолда, бу рисоланинг ёзилишига туртки бўлган сабаб нима экан, балки, муаллифнинг фикридаги қоришқликларга мақола ёзилиши учун кўрсатилган сабаб бир оз ойдинлик киритар? Бу ҳақда муаллифнинг ўзи қутилмаган бир самимият билан шундай шундай ёзади: “Ўйлаб кўрайлик, тарих фани маҳсули – унинг ҳулосаларидан аввало ким фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми?”

Ўз сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани ҳулосаларига мурожаат қилади” Тарихнинг нима учун кераклигини энди тушундингизми, азиз укувчи?

Мана шундай мақсад билан ёзилган халқимизнинг тарихини бир тасаввур қилиб кўринг. Айтгандай, буни тасаввур қилиб ўтиришга эхтиёж йўқ, совет даврида ёзилган тарихимизни эслашингизнинг ўзи кифоя, бу даврда бутун тарихимиз муаллиф орзу қилгандай “ҳукумат сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, обрўсини кўтариш” учун ёзилган эди. Муаллифнинг собиқ коммунист раҳбар бўлганини хотирласак, унинг тарихга бундай ёндошишдан ҳайратланишга ўрин ҳам қолмайди.

Ҳўш, тарихдан ўз сиёсатини оқлаш учун “унумли фойдаланиш”га киришган юртбошининг ўз тарих талқини воситасида олдинга сураётган

ғояларининг совет давридаги ғоялардан фарқи жойи борми? Бор, албатта. Советлар бутун тарихимизни фақат халқни эзиб, эксплуатация қилиб келган мустабиллар тарихи сифатида кўрсатиб, ўзларини эса, халқни бу мустабиллардан қутқарган халоскорлар деб талқин қилган ва халқни буржуазия таъсиридан иҳоталашга урунган бўлса, Каримов ўзини мустақиллик курашчиси сифатида кўрсатиб, халқни нафақат собиқ совет мафкураси таъсиридан, балки, умуман, ҳар қандай таъсирдан, айниқса, халқнинг ўзлигини англашига туртки бўлиши мумкин бўлган туркчилик ғоясидан сақлашга бел боғлагандир. Ўзининг бу мақсадини у ўз мақоласидаги қуйидаги сўзлари билан аниқ ифодалайди: “Туркийзабон

халқ бор, турк халқи бор – бунинг фарқини ҳар бир

фуқаромиз, аввало фарзандларимиз билиб олсинлар”. Ҳўш, юртбошига ўзбекнинг турк эмаслигини исботлаш нима учун керак?

Бу саволга жавоб топиш учун Ўзбекистон президентининг йиллар давомида олиб борган ички ва ташқи сиёсатидан бир оз хабардор бўлиш ва ҳукумат буюртмаси билан ёзилиб, Ўзбекистон матбуотида чоп этилаётган ўзбекларнинг миллий мансубиятига доир мақолалар ҳақида бир оз маълумотга эга бўлиш лозим. Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати ўзининг сўнгги йиллардаги ташқи сиёсатида турк халқларининг интеграциясига совуққонлик билан қараб келди ва ҳатто баъзи ҳолларда унга муҳолифлик (1996 йилда Қирғизистонда бўлиб ўтган турк халқлари курултойи пайтида юз берган воқеаларни ва Туркияда ўқиётган ўзбек талабаларининг Ўзбекистонга чақириб олиниши сингари воқеаларни эсланг) қилиб келди. Ички сиёсатда эса, турк халқларининг бирлаштириши ғоясига қарши тарғиботлар олиб борилиб, шу йўналишда матбуотда бир қатор мақолалар чоп этилди. Масалан, “Ўзбекистон овози” газетасида 1994 йилда чоп этилган “Туркми ёки ўзбек?”,

“Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” сингари мақолалар шулар жумласидандир. Бундай тарғибот бугун ҳам “ўзга ғоя ҳукмронлигига йўл қўймаслик” баҳонасида кенг жаҳада олиб борилмоқда. “Ўзга ғоя”нинг нимадан иборатлигини эса, зукко ўқувчи дарров англаб олишига шубҳа йўқ, бу – халқнинг ўзлигини таниши, тарихий хотирасининг тикланишидир. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган гапни айтган одамнинг ўзи халқнинг хотирасини йўқ қилишда жонбозлик кўрсатиб, халқнинг келажакига болта урмоқда. Тарихий хотирасиз фақат келажак эмас, балки, ўтмиш, тарих ҳам йўқлигини “ҳукумат сиёсатини оқлаш, уни тарғиб қилиш” учун тарих ёзаётганлар англамайдиларми?

Бу асл ҳақиқат вақт кечароқ очилади. Албатта очилади...
 Лекин бунда Муҳаммад Солиҳнинг қўли йўқ. Шоир одам, ўз миллатини ўзидан ҳам ортиқ севадиган одам бундай қилмайди. Мен Муҳаммад Солиҳни етарли билганимдан шундай дейишга журъат этдим...
 Юзида холи бор менга шундай деди:
 - Кўп одамларнинг ҳаётларини сақлаб қолишинг учун ҳам ёзасан, ҳали телевизорда ҳам чиқасан, кейин Муҳаммад Солиҳни ўлдириб келасан...
 Айни шу гапларни менга уч марта айтди. Мен қандай одамларнинг ҳаётларини сақлаб қолишим керак эди? Бу менга қоронғу ҳам сирли эди. Холи бор кимсадан буни сўрадим. У менга жавоб бериш ўрнига ўлимдай совуқ тикилди.

Чунки, мени телевидениега чиқаришлари керак эди... Тўхмат текст... Сохта чиқув...
 Баъзан, никобдорлардан бири (уни танийман, кўрсам учовини ҳам танийман) маст ҳолда мен ётган зиндонга кирар, мендан доллар талаб этар... мени урар, тепар, сўкар эди. Тунда бу мудхиш ҳол кечар эди...
 Бу номаълум, кўрқинчли ертўладан никобдорлар менга никоб кийдириб, мени машинага юзтубан босиб, беш-олти марта ИИВга олиб боришди. Энди холи бор кимса кўздан бутунлай ўчган (мен уни суд маҳали август ойида ИИВ ертўласида тасодифан кўриб қолдим...), энди мен билан С. Асадов, А. Шарафиддинов, А. Эгамбердиевлар шуғулланишар эди.
 Дубинкалар зарбидан янги шим-

елкамга оғир қўлларини қўйиб деди:
 - Старик, агар яна 15 кун ўлмай турсанг 50 йил яшайсан... – деди.
 Мен бу қоғозда унинг сўзларини айнан келтирдим.
 Бу гаплар... Бу сирли гаплар... Уларга ҳам кўникиб қолган эдим...
 “Тангри буюргани бўлади” деб ўйладим.
 19 февралдан апрел ойининг қайси бир кунигача мени номаълум зиндонда сақлашди. Кейин кутилмаганда никобдорлар мени уриб, тепиб, ИИВ ертўласига олиб бориб ташлашди. Шунда қўлимдан кишани, юзимдан никобни олишди. Апрель ойида, яъни мени ўғирлаб кетишгандан бир ярим ой ўтгандан кейин шаҳар прокуратураси қамокқа олишга санкция берди. Бир-ярим ойдан кейин. “Устувор қонун”

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Шундан кейин мен унга дедим:
 - Мен қотил эмасман, ёзувчиман.
 - Сен шахсан президентнинг назоратидасан... – деди юзида холи бор кимса, – сенинг ҳар қадаминг ўлчанган... Истаган пайтда сени “ол” дейиши мумкин... Ёз!...

Юзида холи бор мендан ҳамма нарсани президент номига ёздириб олди.
 Унга бундай эрк, чексиз ҳуқуқни ким берган, билмадим. Мени тўкиб ташлади, мен бутунлай соғлигимдан айрилдим. Мени халқаро холис экспертлар экспертиза қилишларини сўрайман. Мутлақо махфий равишда турли йўл, усул, найранглр билан, ёлғон, тўхмат, бўҳтонлар билан ўлдириб юборишлари, менинг оиламга турли-туман тазйиқлар қилишлари мумкин. Бу ҳақда айтишди ҳам...
 Мени ва оиламни булар зулмидан химоя этишларингизни сўрайман. Мен Муҳаммад Солиҳ тўғрисида сохта нарсалар ёзишга мажбур бўлганимдан кейин, Ўзбекистон республикаси Ички Ишлар Вазири ўринбосари Сайфулла Асадов, тергов Бошқармаси бошлиғи Алишер Шарафиддинов, унинг муовини А. Эгамбердиевлар бир неча марта келиб кетдилар. Улар менга ўзларини таништирдилар ва мен билан одамларча муомалада бўлдилар. Мен уларда президентга садоқатни кўрдим.
 Лекин мен ҳали номаълум ертўлада эдим... Ҳали менинг ҳаётим қил устида эди... Шу сабабли холи бор мендан нимани ёздириб олган бўлса, уларга ҳам шуни ёзиб бердим.
 Нима ёзган бўлсам, ҳаммасининг тагига сохта қўл қўйдим... Бу олис, номаълум, ўлим ҳиди анқиган ертўлага врачлар ҳам бир-неча марта келиб кетишди. Мени довалашди. Ҳатто энди никобдорлар ҳам соғайишимга қарашди.

кастюмим, қўйлак, майкаларим титилиб, йиртилиб кетган эди. Шу сабабли С. Асадов менга ички кийим, қора қўйлак, галстуг олиб берди. Шу кийимда мени ИИВ биносида телевизорга олишди... Текстни ўзлари ёзиб беришди.
 Мен уч кеча-кундуз ИИВ биносида қолиб шу ёлғон, Муҳаммад Солиҳга тўхмат текстни никобдорлар зулмида ёд олдим. Мажбуран ёд олдим. Ёд олдиришди... Бу муҳим экан! Жуда муҳим экан!...
 “Шахсан президентнинг ўзи кўради... Энди сенинг ҳаётинг шунга боғлиқ... Балки эрта-индин уйингга ҳам бориб қоларсан...” дейишди...
 Ҳали мен узоқ ва номаълум ертўлада эдим. Ҳали менинг ҳаётим қил устида эди...
 ИИВ биносида мени тўрт марта телевизорга олишди. Телевидение ходимлари мени никобда олиб киришди. Никобдорларни ҳам. Бир марта эмас, бир неча марта...
 Нима учун мени ИИВда тўрт марта телевизорга олишганининг сабабини айтишди...
 “Президентга ёқмаяпти... Сохта...” деб айтаётти дейишди... Фақат тўртинчи ёзув тўғрисида индашмади. Тагин мени узоқ, номаълум зиндонга олиб кетишди. Тагин тун ва кунларим ғариблик ва азоб-уқбатда кечарди.
 Қоқ тунда бир никобдор маст ҳолда менга:
 - Агар яна бир ҳафта ўлмай турсанг, кейин узоқ яшайсан, – деди.
 Бир ҳафта кечди. Мен ҳали тирик эдим. Тунда ўша никобдор темир эшикни шарақлатиб очиб, мен ётган камерага кирди. У маст эди. Сўнгги дамларда менга зулм қилишдан ўзини анча тийган эди у.
 Баъзан ҳатто унинг юзида кўзида менга нисбатан ачиниш аломатлари ҳам бордай туюларди. Балки, мен янглишаётгандирман. Ҳар ҳолда менга шундай туюларди... У менинг

хурматими, бу?
 Энди мен шу гапларни айтишни ўз бурчим деб биламан.
 Жадидлардан кейин мен ўз элимнинг миллий ёзувчисиман. Бунга менинг китобларим гувоҳ. Ҳамма асарларимни мен Туркистоннинг миллий озодлиғи, Истиклоли учун ёзганман.
 Миллатим, ватаним озодлиғи – менининг ҳаётим.
 Лекин биз, бизлар орзу қилган, курашган, Миллий Озодлиқка – мустақилликка эришганимиздан сўнг мен не учундир таъқибдаман, тазйиқдаман, қамокдаман.
 Бу иккиюзламачи ғаразгүй “дўст”ларнинг ишларими?
 1991-1994 йилларда мен Ўзбекистон Республикаси Жамғармаси Бошқарувининг раиси эдим. Бу ташкилотни йўқдан юқорига олиб чиққанимизни эл билади...
 1994 йил 3 март куни тонгда курулланган бир қанча киши менинг уйимга қорадори, тўппонча, ишхонамга ҳам қорадори қўйиб, мени ИИВ ертўласига тикишди.
 Мен ИИВ ертўласида 5 ой 18 кун тўхматдан азоб-уқубатда ётдим. Ертўлада тутқунни 10-15 кундан ортиқ сақлаш қонунан мумкин эмас. Лекин...
 Сўнг мени яна 9 ой зиндонда сақлашди.
 Қама-қама билан одамни, жамиятни тузатиб бўладими? Бу эл бирлигини бузишга олиб келмайдими? Бу узун кечмишдан маълум эмасми?...
 Қорадори!...
 Тўппонча!...
 Бу қадар жўн (примитив), бу қадар ачинарли бу!
 Ёзувчини шундоқ нарсалар билан қамаш – фожеа!...
 Бу бир менинг фожеамми?...
 Бу тўхматга ким ишонади? Ҳатто ёввойи ҳам ишонмайди. Нима мен бангиманми ё қотилманми?!

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Қорадори... Тўппонча...
Касаллик... Буюк касаллик... Тухмат,
қасд касаллиги!...
Терговда бир марта ҳам мендан
”қорадорини қаердан олдинг,
тўппончани қаердан олдинг?” деб
сўрашмади. Ҳатто номига ҳам
сўрашмади.

“ЭРК” газетасини қаердан олдинг,
деб сўрашди, азоб беришди.
У пайтда мен (ишдалигимда)
“ЭРК” газетасини уйимга ким
ташлаб кетганини билмас эдим.
Шунча газетани ўз хошим билан
президент девонига ва ИИВга
топширган эдим. Бу ҳақда ўша
замонда юрtdаги тегишли ерларга
ўнлаб хатлар ёзганман... Аммо ҳеч
бирига жавоб олмаганман...

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Яхшиликка ёмонлик бўлди. Мени
4 йилга озодликдан маҳрум этишди
ўшанда.
“Заказ...” дейишди. Президентнинг
номини айтишди... Балки
президентга тухмат қилишгандир? Бу
ёғи менга қоронғу.
Энди, замонлар кечароқ “ЭРК”
газетасини уйимга КГБ одами Ахтам
Розиков қўйиб кетгани аниқ бўлди.
Буни мен ҳозирги терговда ҳам,
ҳозирги судда ҳам айтдим. Улар
эшитишни ҳам исташмади. Мени
қасддан, тухматдан қамашганига
ким, кимлар жавоб беришади?
Ахтам Розиков Самарқанд шаҳар,
Титов кўчаси 1-уйда яшайди.
Адолат бўлса мени Ахтам билан
юзлаштиришларини ва чин (ҳақиқат)
қарор топишини истардим.
Мени қасддан, тухматдан
қамашганини балки президент
билмас? Қуйидагилар унинг номидан
иш кўргандирлар?
Чунки мен қамокда 2 йил, 5 ой, 6 кун
ўтирганимдан кейин президент менга
Озодлик берди: афв...
Аслида мен “ЭРК”га ҳам,
“Бирлик”га ҳам аъзо эмасман.
“ЭРК”, “Бирлик” газеталарига
бир чизик нарса ҳам ёзмаганман.
Уларнинг ҳеч биридан намоиш,
митингларида қатнашмаганман,
тегишли идора... буни чуқур
текшириш ўрнига менга тухмат
қилапти. Буни “ЭРК”, “Бирлик”
аъзоларидан сўрашса ҳам бўлади.
Ахмад Аъзамга ўхшашлардан
сўрашса ҳам бўлади.
Мен Муҳаммад Солиҳни турк
дунёсининг миллиётчи, йирик
шоири, кенг билим эгаси, тўғрисиўз
одам деб биламан.
Эл, юрт дили бошқа, тили бошқа,
манфаат пардаларига чирманган
кимсалардан чўчиса бўлади.
Дил, тил бирлиги – элимиз
келажаги... Мен президентни
кимга, қаерда ёмонлабман? Мен
президентни қайси газетада қоралаб

ёзибман? Ҳар бир одам каби менинг
ҳам президент тўғрисида ўз фикрим
бор. Бу менинг шахсий фикрим,
нисбий фикрим. Бунинг нимаси
ёмон? Фикр билдириш ҳеч бир замон
таъқиқланганми?
Мен ҳеч ерда, ҳеч қачон Муҳаммад
Солиҳ билан президентни қуршаб
олиш тўғрисида гаплашмаганман.
Менимча бу бирон ишга илиниш
илинжида бўлган Алишер
Бегибаевнинг уйдурмаси. Агар шу
гапларим ёлғон бўлса: қани аниқ
далил-исботлар?
Мен ёнимга одам тўплаган бўлсам,
қани ўша одамлар? Ҳеч бўлмаса,
биттасининг исмини айтинг.
Мен тўпланган одамларга юз
доллардан берибмишман. Қани бунга
далил-исботлар? Ҳеч бўлмаса битта
исбот борми?

Мен 1998 йилда Юсуф билан
Туркияда бозорда учрашган
эмишман. Бунга асос борми? Мен
умримда фақат бир марта Туркияга
борганман. 1992 йилда.
Терговда, судда менга қўйилган
айбларнинг биттасининг ҳам исботи
йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас.
Чунки бунинг ҳаммаси тухмат!
Тўғри, 1998 йил 2 марта мен
Киевга, Муҳаммад Солиҳнинг
олдига борганман. Хўш, бунинг
нимаси ёмон? Мен бошқа
ёзувчилар ҳам унинг олдига бориб
келишяпти-ку... Борган одам фитна
уюштираверадими? Уюштирса, бунга
аниқ исбот қани? Йўқ. Бўлиши ҳам
мумкин эмас. Чунки фитна тўғрисида
мутлақо гап бўлмаган. Ортиқча
ҳуқуқ берилган тизим нима деса,
тухмат қилса ҳам тўғри бўлаверса
– охири нима бўлишини билмадим.
Олдин ҳам шу тизим мени тухмат
билан қамаган эди. Яна тухмат билан
қамади. Ишни ҳалол йўл билан очиш
керак. Ишни тухмат билан, хўрлаш
билан, қийноқ билан, мислсиз
жабр-зулм билан очадими? Мислсиз
қийноқ-ҳар қандай тухматни
гуноҳсизнинг бўйнига қўяди. Бу ёвуз
усулнинг умри қисқа.

Алишер Бегибаев!
12 йилга кесилган одам озгина
ўтирмай қамокдан чиқди. Бунинг
сабаби нимада ёки қаерда?...
Муҳаммад Солиҳнинг қарз гапини
– таклифини Алишерга айтдим,
холос. У: “акани олдига бирга бориб
келайлик” деб туриб олди. Алишер
билан Муҳаммад Солиҳнинг олдига
иккинчи марта бордим. Ўз нафси
балоси йўлида бировга тухмат,
жабр қилиш билан бахтга эришиб
бўлмайди.
Охир оқибат ўзи қазиган чуқурга
ўзи қулайди. Бу ўзбекнинг асрлар
давомида синалган мақоли.
Алишернинг бир балоси борки,
уни терговга ҳам, судга ҳам

чақиришмади... Ўша кезде Алишер
Бегибаев Тошкентда эди.
Терговчи Илҳомжон Турғунов
менда айб йўқлигини ич-ичидан
биларди. Лекин кўрсатма бўйича иш
тутишга мажбур... эди. Мен буни
шахсан унинг ўзига айтдим. “Шуни
сезибсиз, шунга ҳам раҳмат. Илож
қанча?...” деди у. Энди Илҳомжон
бу гапни тан оладими, йўқми, буни
Тангри билади.
Моддаларни ҳам талай марта
алмаштирди...
Сохта “шерик”лар ҳам топди...
Спектакл...
Суд... Қора никоб кийганлар мени
ўғирлаб кетишгандан тортиб, ҳамма
гапни судга айтдим. Бирок у менинг
бирор гапимни инобатга олмади.
“Ёлғон!” деди.
Мени 14 йилга озодликдан маҳрум

эди. Спектакл тугади.
Бу кетишда Олий Судда ҳам спектакл
ўзгармайди. Мен фақат Сизлардан
адолат кутаман. Чуқур ҳурмат
билан, тутқун ёзувчи Еврил Турон
(Мамадали Махмудов)
Ёпиқ суд зали
18 август 1999 й.

16 феврал “айбдорлари” устидан суд ва маҳкама ҳукми

Нега мен “айбдорлар” жумласини
қўштирноқ ичида келтираяпман?
Чунки, суд ҳукми билан
отиб ташланган 16 кишини
бу портлашларни ташкил
қилганликлари ва амалга
оширилликларига кўплаб
қузатувчилар ишонмайдилар. Уларни
ўз айбларини тан олганликларидан
бўлак бирор ишончли далил йўқ.
Ўзбекистонда ўз айбига иқро
қилиш қандай амалга оширилишини
эса ҳамма билади. Дахшатли
қийноқларни ўз бошидан кечирган
ёзувчи Мамадали Махмудов бу ҳақда
бутун дунёга маълум қилди.
Маҳкама ҳукми билан Қозимбек
Зокиров ва Баҳром Абдуллаев
бошчилигидаги гуруҳлар отиб
ташлаш воситасида қатл қилинди.
Бу гуруҳ бошлиқларидан бири дея
қўриладиган Баҳром Абдуллаев
портлашлар пайтида Ўзбекистон
МХХ ертўласида ўтирганди. У 1998
йилнинг ноябр ойидан қамокда
бўлган, портлашлар эса 1999
йилнинг 16 февралда содир этилди.
Нега унда уни қатл этдилар?
Ўзбекистон маҳсул хизматлари
Баҳром Абдуллаев қўмағида радикал
исломий гуруҳлар билан алоқага
чиққан ва уларнинг қўли билан
портлашларни амалга оширган деган
тахминлар бор.
Шу сабабли бу сир ошқор
бўлмаслиги учун суд ҳукми жуда тез
қунларда амалга оширилган.

(Давоми келгуси сонда)

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Розмарин *Rosmarinus officialis* (Қуштили)

Оғиз, томоқ, ошқозон, ичак, жигар ва сафро косаси инфекцияларига ва ҳатто *H. Pylori* инфекциясига, эгзема, юқори холестерин, ревматизм ва саратонга қарши кучли доридир. Қонашларни тўхтатади, ошқозон ва ичаклардаги газларни чиқариб юборади, ҳазмсизлик ва ошқозон ачишларини кеткази, соч тўкилишини тўхтади. Хотира пастлиги, эпилепсия (тутқанок), юракнинг тез уриши ва холсизликка, бош оғриқлари, ишиас оғриқларига, юқори ва паст қон босимига қарши самарали восита.

ширинлик ва оқ нон ейиш қатъиян таъқиқланади. Ҳафтанинг икки кунини (масалан, душанба ва пайшанбани) фақатгина қулупнай билан ўтказиш фойдали. Қулупнай аллергиясини ҳам яна ўша қулупнай билан даволаш мумкин. Бунинг учун қулупнайни шакар, қаймоқ ёки бошқа мевалар билан арлаштирмасдан ейишнинг ўзи кифоя қилади. Мавсуми ўтгунича ҳар кун қулупнай ейиш фойдали. Мавсумида табиий қулупнай еганлар йил давомида касалликлардан омон бўлишади. Диккат: Фақатгина табиий бўлган ва пишиш мавсумида тўпланган қулупнай ва тоғ қулупнайи дорилик хусусиятига эга.

енглр. Зеро Аллох Таъоло унда ўлимдан ташқари, ҳар қандай дардга шифо яратган”, деганлар. Седананинг бир марта истеъмол миқдори 1,5-2 гр (1 чой қошиқ), бир кунда истеъмол миқдори эса 6-7 (бир ош қошиқ) грамгача. Седана асал билан аралаштирилиб, эрталаб-кечкурун оч коринга 1 чой қошиқ ейилади. Катта, кичик, касал ва соғломларга фойда беради. Ҳар куни чайнаб ейилган 3-5 гр седана оғиз ҳидини кеткази. 30 гр майдаланган седана 200 гр зайтун ёғи билан аралаштирилади. 7 кун сақланиб сузилади ва ҳар кун 20-30 гр ичилади, овқатланиш пайтида ёки соусларга қўшилиб ишлатилади. Бу ёғ билан оғриган

ТАБИЙ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Бир чой қошиқ розмарин 150 гр қайноқ сув билан 15 дақиқа дамланганидан сўнг сузилади ва ичилади. Бу тарзда дамланган розмарин кунига 1-3 марта ичилади.. 500 гр табиий олма ёки узум сиркаси 3 ош қошиқ майдаланган янги розмарин барглари билан ёки 2 ош қошиқ майдаланган қуруқ розмарин билан аралаштирилади ва шиша идишга солиниб, оғзи ёпилади. Орасира чайқалиб, 10 кун сақланади. 10 кундан кейин барглари олиниб, сузилади. Кунига бир марта 30 гр розмарин сирка 30 гр сув билан аралаштириб ичилади. Томир тикилишларига, юқори холестерин, эгзема, ҳайзнинг узок давом этишига фойда беради. Эгземали жойларга қайнатилиб, сув қўшилмасдан сурилади.

Янги розмарин таомларнинг устига сепилиб ёки таомдан сўнг чайналиб истеъмол қилиниши мумкин. Ҳазми қулайлаштиради, жиғилдон қайнашини кеткази.

Қулупнай *Fragaria vesca*

Таркибида метаболизмнинг нормал ишлаши учун керакли моддалар, органик кислоталар ва кўп миқдорда витамин бўлган қулупнайнинг мўъжизавий хусусиятлари борлиги аниқланган. Қулупнайда бўқок, эски, яллиғланган ва ҳеч нарса билан даволаб бўлмаган эгземаларга, аллергия, ошқозон-ичак яралари, гемморой, ич котиши ва кетиши, юқумли касалликлар, буйрак, жигар, юрак ва томир касалликларига шифо бор. Қулупнай камқонликка қарши таъсирли доридир. Сийдикни хайдайди, ҳароратни туширади. Қулупнай ҳеч нарса билан аралаштирилмасдан ейилиши керак. Қулупнайнинг шифосидан фойдаланиш учун қулупнай мавсумида эрталабдан тушгача фақат қулупнай ейиш (1 кг гача) керак. Тушдан сўнг таом ейиш мумкин. Қулупнай билан бир кунда

Чимланган (янги униб чиққан) бугдой ва арпа

Маълум миқдордаги бугдой ёки арпа парчаланган бугдой ёки арпадан ажратилиб, ювилади ва хўлланади. 3 соат сувда турганидан кейин сузилиб, ёйилади ва устига нам мато қопланади. Қоронғи ва илик ерга қўйилади. 24 соатдан сўнг бугдой (ёки арпа) уна бошлади. Униб чиққан бугдой яхшилаб ювилади, асал билан бирга 1-3 ош қошиқ ейилади. Ҳеч нарса билан аралаштирмасдан таом ўрнига ейиш керак. Сочларнинг қувватланиши, кўпайиши, порлаши ва ўсишини таъминлайди. Ҳайзларни тартибга солади, тери рангини очади, хуснбузарларни йўқотади, сиқилишларни кеткази. Асаб касалликлари, ичак ва яраларга шифодир.. 3-5 кун турганидан кейин яхшигина ўсган бугдой чимлари битмаган яралар учун малҳамдир. Униб чиққан бугдой чимлари билан биргаликда майдаланади, тоза бир матога жойлаштирилади ва яраларнинг устига қўйилади. Бу малҳам кунда 2 марта алмаштирилади. Энг эски ва чуқур яралар бўлса ҳам, киска вақт ичида битиб кетади.

Униб чиққан бугдой ва арпа сувининг тайёрланиши:

Униб чиққан бугдой ёки арпа ювилади, яхшилаб эзилиб, сув қўшилади ва сиқилади Буни асал билан ҳам аралаштирса бўлади. Қариларга, оғир беморлар ва ич яраси бўлган касалларга, болаларга ва соғлом кишиларга жуда фойдали. Огоҳлантириш: Чимланган бугдой ва арпа ишлатилишидан аввал албатта ювилиши керак! Бугдой ва арпанинг гени ўзгармаган бўлишига диққат қилинг!

Седана *Nigella sativa*

Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Седана

бўғинларга массаж қилинади, тери бузулишларига ва муаммоли сочларга сурилади.

Бош оғриши ва айланишини қолдириш учун:

Сочларга ва бош терисига седана ёғи суриш сочи тез яхшилади ва оқаришини кечиктиради, бош оғриғи, мигрен ва бош айланишини кеткази. Қулоққа седана ёғи томизиш қулоқни тозалайди. Янги майдаланган седана хидлаш бош оғриғини кеткази. Седана янги майдаланган ҳолда кукун холида бурунга тортилса, қафасли суяк ва бурун копламаларини очади.

Эпилепсия касаллигида:

Эпилепсияда седана сигарет каби чекилади, янги майдаланган седана бурунга тортилади. Седана ёғи бош терисига сурилади ва қулоққа томизилади.

Садаф (псориаз), пес (вителиго) ва замбуруғ касаллигида:

Сирка билан седана пастаси садаф касаллигида, замбуруғ, хуснбузар ва сўгалларга фойдали. Майдалаб ярага сепиш, ярани тузатади; майдалаб ейиш ёки гемморойга суриш гемморойни яхшилади. Нон хаамирига аралаштириш ноннинг ҳазм бўлишини осонлаштиради. Чайнаб ейиш, ошқозон ва ичак газларини чиқаради, ичаклар ва жигардаги қуртлар ва бегона микробларни ўлдиради, оғиз ҳидини яхшилади.

Юз фалажида (параличида):

Седана кечкурун сиркада намланиб, эрталабгача туради. Қуритилгандан сўнгра яхшилаб, туйиб бурунга тортилади. Бу жараён кунига 3-5 марта такрорланади. Бош оғриғини кеткази, юз фалжига фойда беради.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми. Боши олдинги бетда)


Седана ёғини бурунга тортиш ва бош терисига суриш юз фалажни кетказди.

Хотирани мустаҳкамлаш учун:

1 стакан ялпиз чойига 7-11 томчи седана ёғи томизилади ва асал билан ширинлаштирилади. Кунда 2 марта ичилади.

Холсизликка қарши:

Седана ва қоразира бир миқдорда туйилади, айни миқдор асал билан аралаштирилади. Эрталаб ва кечкурун бир ош қошиқчака ейилади.



ТАБИЙ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Гормон мувозанатсизлигига қарши: Ҳар куни эрталаб 1 чой қошиқ туйилган седана + 10-20 мг ари сут + 1 чой қошиқ асал аралаштирилади ва оғизда эритилиб ютилади. Бу бир ой давом этади.

Туғишни осонлаштириш ва гинекологик касалликлар учун: 1 ош қошиқ мойчечак бир пиёла сув билан паст оловда 10-15 дақиқа қайнатилади. Айни шаклда седана ҳам қайнатилиб сузилади ва сузилган мойчечак суви билан аралаштирилади.

Бироз совуганидан сўнг 50 гр асал қўшилиб, эритилади ва кичик помпа билан (ёки игнасиз инъектор билан) вагинага солинади ва кутилади. Айни пайтда заъфарон ёки зигир уруғидан қилинган ичимликка 7-11 томчи седана ёғи томизилади ва ичилади. Бу жараён туғишни қулайлаштириш учун тўлғоқ бошланганидан кейин, гинекологик касалликлар учун эса 1-2 ҳафта давомида, ҳар куни кечкурун амалга оширилади.

Холестеринни камайтириш ва холестеринли қатламларни эритиш учун:

Бир ош қошиқ туйилган седана + бир қошиқ туйилган оддий бўйимодарон + 1 қошиқ асал аралаштирилади, иккига бўлиниб, ҳар куни эрталаб ва тушликда оч қоринга ейилади. Очиканда кўк чой, мева суви ёки сабзи суви ичилади, тушликкача ҳеч нарса ейилмайди. Бу 1 ҳафта давом эттирилади.

Бепуштликка қарши:

Бир пиёла седана + ½ пиёла қоразира + ½ пиёла қора турп уруғи майдаланади, 2 пиёла асал билан аралаштирилиб, эрталаб ва кечкурун бир ош қошиқ ейилади. Тугагунича давом эттирилади.

Простатит касалликларига қарши: 6 ҳафта давомида ҳар куни эрталаб 1 чой қошиқ туйилган седана + 1/3 чой қошиқ туйилган мўррисафий асал шарбати билан ичилади. Бел, қориннинг пастки қисми ва эркак беги тағима седана ёғи сурилади. 3 ҳафта давом этгандан сўнг ўрнига аччиқ қовун суви айни шаклда сурилади.

Диабетга:

Бир пиёла туйилган седана + ярим пиёла туйилган қоратундук уруғи + бир пиёла туйилган анор уруғи + бир пиёла қуритилган ва туйилган оқ қарам томири + бир ош қошиқ туйилган мўррисафий аралаштирилади ва қоришма тугагунича кунига 3 марта бир дэсерт қошиқдан оч қоринга ичилади. Мўррисафий ўрнига занжабил қўлланилиши мумкин. Талоқ касалликларига:

Ҳар кеч седана майдаланади ва эски зайтун ёғи билан ёки зайтунёғининг қолдиғи билан аралаштирилиб, чап қовурға остига сурилиб усти ёпилади. Эрталабгача туради. Шу пайтда 1 чой қошиқ шамбала, 1 пиёла иссиқ сув билан аралаштирилиб, асал билан ширинлаштирилади. Ичига 7-11 томчи седана ёғи томизилади ва ичилади. Икки ҳафта давом эттирилади.

Буйрак ва сафро косаси тошларини эритиш учун:

3 ош қошиқ майдаланган седана + 4 ош қошиқ табиий асал + 3 бош эзилган саримсок қўшилади. Учга бўлиниб, кунда 3 марта 50-100 гр лимон суви билан бирга ичилади. 7 кунгача ҳар кун айни жараён такрорланади.

Седана асал билан аралаштирилиб ичилса, буйрак ва қовуқдаги тошларни эритади, лўққиллаб оғришни кетказди, балғамни чиқаради, нафас қисишига фойда беради..

Сафро косаси (ўт пуфағи)

Тўқималарини тузатиш учун: Бир ош қошиқ майдаланган седана + бир чой қошиқ майдаланган мўррисафий + 200 гр асал яхшилаб аралаштирилади, тамом бўлгунча эрталаб, тушликда ва кечкурун бир неча чой қошиқдан ютилади

Дафна дарахти

Дори тайёрлашда дарахтнинг барча аъзолари қўлланилиши мумкин. Дафна барглари майдаланади, кепакли бугдой уни билан ярим-ярим қилиб аралаштирилади ва

сирка билан хамир қилинади. Бу хамир ҳароратли шишларга сурилади. Яллиғланишнинг олдини олади, ҳароратни туширади, оғриқни қолдиради.

20 гр дафна барги 1 литр сувда 3 дақиқа қайнатилади ва 30 дақиқа дамланади. Сузилганидан кейин 3 кун давомида ютумлиниб ичилса, бўғимларни тозалайди. Бу дорининг ҳаммомда ишлатилиши самарадорликни янада оширади. 100 гр дафна барги 3 дақиқа қайнатилади ва 30 дақиқа дамланади. Совуққа яқин иссиқ сув билан аралаштирилиб, бу

сув ичига ўтирилади. Бу сийдик йўллариининг қизишини кетказди, қовуқ ва бачадон касалликларига фойда беради. Дафна дарахти пўсти ва меваси туйилади, ярим-ярим аралаштирилиб кунда бир марта 4-6 гр ичилса, буйрак тошларини парчалайди ва туширади. Бу амалиёт 3 кун кетма-кет қилинади, бир ҳафталик танаффуслар билан 3-5 марта такрорланиши мумкин. Аммо бу муолажалари ҳомиладор аёллар қўлламасликлари керак, акс ҳолда, ҳомиласи тушиши мумкин. Дафна меваси туйилади, асал билан ярим-ярим аралаштирилади ва эрталаб-кечкурун бир неча чой қошиқ ейилса, бош оғриғи сурункали бўлса ҳам, оғриқни кетказди. Дафна ёғи шиш ва оғриган бўғимларга сурилса, оғриқни тўхтатади, қулоққа томизилса ёки бош терисига сурилса, қулоқ ва бош оғриғига фойда беради. Майдаланган дафна баргини ҳидлаш, аксиртириб мияни тозалайди.

Дафна ёғи тайёрлаш:

Янги дафна барги ва мевалари 3 тенг гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ каструлга зич жойлаштирилади ва устини ёпар даражада зайтун (ёки кунжут) ёғи қуйилади. Бугланиши тугагунича паст оловда қайнатилади ва ёғи сузиб олинади. Кейин навбат билан иккинчи ва учинчи гуруҳдаги дафна барги ва мевалари ҳам худди шундай қилинади. Ёғ шиша идишларга солиниб, идишнинг оғзи ёпилади ва ёғ зарурият туғилганда олиниб, ишлатилинади.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолитдин Йўлдош